

Наврўзи олам  
барчамизга  
муборак  
бўлсин!



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 23-mart, juma № 24 (8465)

## БУНЁДКОРЛИК, ЯНГИЛАНИШ ВА МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб, баҳор нафаси тобора кучайиб, она заминимиз яшил либосга бурканиб бораётган шу ёруғ ва мунаввар кунларда сиз азизларни, сизларнинг тим-солингида бутун Ўзбекистон халқини юртимизга кириб келаётган Наврўзи олам — янгиланиш ва яшариш байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Наврўз айёми барчамиз учун шарқона янги йил дебо-часи, серҳосиллик ва кут-барак гоёсини ўзида мужассам этадиган, бизнинг миллий табиатимиз ва қадриятларимиздан ажратиб бўлмайдиган, ҳар қандай сиёсатдан холи, энг қадимий, энг сеvimли байрамимиздир.

Бундан минг йиллар аввал, кўхна "Авесто" яратилган замонларда ҳам бизнинг аждодларимиз бу дилбар фасл кунлари Сирдарё ва Амударё бўйларида, чексиз Туроннинг қишлоқ ва кентларида, дашту далаларда табиат билан тиллашиб, Наврўз наҳидасини сурганлар, кўш хайдаб, далага дон сочиб, тинчлик-омонлик тилаб, янги орзуниятлар билан яшаганлар.

Наврўзи олам том маънода ўзининг руҳи ва гоёлари билан инсоннинг доимо она ер ва табиат билан ҳамнафас бўлиб яшаши, ҳар қайси одамнинг қалбига, унинг дини ва миллатидан қатъи назар, яшамок ва яратмоқ интилишларини уйғотиш, аҳиллик ва бирдамлик туйғуларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиб келмоқда.

Бунинг яққол исботи шу кунларда юртдошларимизнинг бағрини кенг очиб, табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда сайил-томошалар қилиб, Наврўз айёмини шоду хуррамлик билан кутиб олаётганида, нишонлаётганида намоён бўлмоқда.

Одамлар ўртасида меҳроқибат, шафқат ва мурувват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-есирларнинг бошини силаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беминнат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшадда ўзининг аксини топмоқда.

Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилди, ҳар қайси инсон ўз оила

аъзоларини, қадрдонларини бағрига босиб, таниш-билишларини қутлаб, улarga соғлик-омонлик, тинчлик-осойишталик тилайди, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Шу мунаввар дамларда халқимизнинг барча орзумидлари, қалби ва вужуди Наврўз руҳи ва гоёларига ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак бўлиб ривож топаётганига она юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор иқдор бўлади.

Айнан шунинг учун бу бетакрор ва гўзал айёмни эл-юртимиз орзиқиб кутади, ўз соғинчларини ва орзу-истакларини, ёруғ чехрасини намоён этишга интилади.

Айнан шунинг учун Наврўзимизни ўтмиш ва яқин тарихимизда не-не мустабид тизимлар ҳар қанча уринмасин, биздан — ўзбек халқидан тортиб ололмади.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкин: аввало халқимизни ўз ота-боболарининг ўлмас қадриятларига, урф-одатларига бўлган садоқати, ирода ва қатъияти туйғули Наврўзи олам, мана, минг йиллар давомида юртимизда безавол, абадий яшаб келмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

### Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Баҳор ўзининг ҳарир либосига оҳиста ўраб, майин эпкиларда аллалаб, биз интиқ ва интизор кутган ардоқли байрамимиз Наврўзни олиб келди.

Бу айём нафақат оламга, балки руҳимизга ҳам янгиланиш олиб киради. Дарахт новдаларига тириклик суви юргани мисол кўларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инеди. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни янада теран англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос қадрият ва анъаналар нечоғли боқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан гурур ва ифтихорга тўлаимиз. Юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Фарзандларимиз соғсаломат. Оиламиз мустаҳкам. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, турмушини бекаму кўст этиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг кутлуғ бўлсин, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!" деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

22 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт соҳалари намояндлари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчионалари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 12.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади.

Тадбир қатнашчилари давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари барчани яшариш ва янгиланиш айёми билан қутлар экан, ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлардан ажралиб турадиган Наврўз тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъаналар билан тўбора сайқалланиб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда.)





# БУНЁДКОРЛИК, ЯНГИЛАНИШ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎ БАЙРАМИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бундай ориятли, ўзлигини, ўз қадр-қимматини юксак баҳолайдиган улуг халқнинг фарзандлари, давомчилари эканлигини ҳис этиб, барчамизнинг қалбларимиз беихтиёр гурур ва ифтихорга тўлади, десам, шу муҳташам майдонда тўпланган сиз, азизларнинг фикри-зикрингизни айтган бўламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Узоқ давом этган қиш қаҳратонидан сўнг офтобнинг чароғон чехрасини кўриб, беғубор кўклар ҳавосидан нафас олар экан, ҳар бир одам худди қайтадан тугилиб, ўзини, дунёни янгитдан кашф этаётгандек ҳис қилиши табиийдир.

Шу маънода, бу йилги баҳор фаслини ҳаммамиз ҳар қачонгидан ҳам соғиниб, интизорлик ва қувонч билан кутиб олаётганимиз — буларнинг барчаси мамлакатимизда "Мустақкам оила йили" деб ном олган 2012 йилда ҳам кўзланган марраларимизни албатта кўлга киритамиз, деган ишонч тугдиради.

Жорий йилда ҳам бошлаган эзгу ишларимизни, демократик ва эркинлаштириш ислохотларини давом эттириш, аҳолимизнинг даромади, пенсия, нафақа ва стипендияларини кўпайтириш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янги босқичга кўтаришга эришамиз, иншоолло.

Бу йилнинг юртимизга сернам келиши, кузда экан экинларимиз тобора кучга тўлиб, бўй чўзаётгани, янги мавсумга чуқур тайёргарлик кўрганимиз, насиб этса, фидойи ва заҳматқўр бободоҳонларимизнинг орзу-умидлари албатта ушалади, ҳосилимиз мўл бўлади, деб ишонч билдириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Халқимиз азал-азалдан ёшликни умр баҳори, деб таърифлайди, фарзандларига атаб ниҳол экиб, боғ яратади. Бугун Алишер Навоий бобомизнинг му-

борак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланиб ўтирган, билаги кучга тўлиб, кўзлари ғайратдан ёниб турган, ҳеч қимдан кам бўлмасдан вояга етаётган ёшларимизга қарата қалбимдан, юрагимдан чиқадиган самимий туйғуларимни изҳор этмоқчиман:

Шу азиз ва муқаддас Ватанимиз сизларга, сизларнинг ҳар бирингизга ишонлади.

Ана шундай юксак ишонч барчангизга маддор бўлсин, куч-қувват берсин. Шу ишончга ҳамиша муносиб бўлинг, азиз фарзандларим!

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу нурафшон ва шуқуҳли айёмда бизга ҳамроҳ ва хайрихоҳ бўлган, дўстлик қўлини узатган барча мамлакатлар ва халқларга, узоқ-яқин кўшниларибизга бағримизни кенг очиб, самимий салом ва табрикларимизни йўллаймиз.

Бугунги шодиёнамизда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, барча ҳамкор ва шерикларимиз, хорижий дўстларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан чин дилдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун мана шу гўзал ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, қадрдонларимга, сизлар орқали бутун халқимизга яна бир бор чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва самимий тилакларимни билдирмоқчиман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин-сочин, ҳар бир оила мустақкам бўлсин!

Ҳар бир инсоннинг бахту саодати зиёда бўлсин!

Эл-юртимизни хавфу хатарлардан, балс-қазолардан Яратганнинг ўзи асрасин!

Наврўзи олам барчангизга муборак бўлсин!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

...Янги кун бошланди. Саҳархез боболарнинг нуруний чехрасидан, дуоғуй молларнинг эзгу тилакларидан, тонгни бешик кучиб қаршилаган оналар алласидан бошланади бу кун. Саррин еллар қанотида, юртимизни ҳеч қачон тарк этмайдиган лайлақлар хаёлотда кириб келади у. Наврўз навоси янграйди. Халқимизнинг энг ардоқли байрами бошланади ва қанот қоқиб бутун юртимиз узра парвоз айлайди. Ватанимиз бўйлаб эсаётган бу муаттар насим ҳар бир хонадон, ҳар бир оила, ҳар бир қалбга кириб боради.

Муаззам майдон узра майин куй таралади. Кўклар соғинчи, табиатга ошуфталик, она заминга муҳаббат, севги ва садокат, эртанги ёруғ кунларга ишонч ҳисси билан йўғрилган бу нафис оҳанг уни тинглаётган ҳар бир қалбнинг туб-тубига етиб боради. Ана шундай сеҳрли наво оғушида майдон теграсидаги улкан мониторингларда юртимизнинг хусн-малоҳатда тенгсиз табиати, бетакрор қадимий обидаларию замонавий меъморчилик аънавалари асосида қад ростлаган гўзал бинолар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугунги кўрку таровати, фидойи ватандошларимиз, йигит ва қизларнинг шижоатли қиёфаси намён бўлади.

Эрта тонгданоқ ораста шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда карнай-сурнай, ногорою доира садолари янграйди. Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамлар қалбидаги шодумонлик уларнинг юз-кўзларига акс этади. Набирасини етаклаган отахонлар, қайвони онахонлар, атласларда ял-ял ёниб келаятган қиз-жувонлар, сочларига толбарак таққан қизалоқлар, нигоҳлари осмонларда ҳаволанаётган варақларга қадалган болакайлар, белида белбоғи бор бўз йигитлар — барча-барча Наврўз сайлига ошиқадил.

Наврўз — меҳр-оқибат, одамийлик, хайр-мурувват айёми. Халқимизнинг қонқонига сингиб кетган бундай эзгу фазилатлар барча аънава ва удумларимизда, марака ва маросимларимизда, айниқса, Наврўз фалсафасида янада теран намён бўлади. Маҳаллақўй, эл-юрт ҳамжихатликда ҳашарга отланади. Арик-зовурлар тозаланади.

Ҳаммаёқ — кўча ва гузарлар, зираттоғ ва қабристонлар тартибга келтирилади. Илдизлари миллий маънавиятимизнинг қўҳна сарчасидаларига туташ ҳашар қунида кенг миқёсдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш июшулари бажарилади. Наврўз кунларида эл-улус бир бўлиб кўмакка муҳтож кишиларга беиминат ёрдам беради.

Беморлардан ҳол-аҳвол сўралади. Табарруқ кексаларнинг дуоси олинади. Гина-кудуратлар унутлиб, биродарлик ришталари мустақкамланади. Қўниқўшиллар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинадилар.

Президентимиз таъбири билан айтганда, кимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг намойишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳайратда қолиши муқаррар.

Бу ҳайрат халқимизнинг ўзлигидан, ўтмишию бугунидан, буюк келажидан, миллий қадриятларни нечача асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб, қадрлаб келаятганидан, фарзандларини-да ана шу руҳда тарбиялаб вояга етказаятганидан уйғонади.

Бу ҳайрат истиқлолнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўйган халқимизнинг бетимсол бунёдкорлик салоҳиятидан, мамлакатимизда кечаятган ўзгаришу янгилашиллардан, шаҳар ва қишлоқла-

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ҳар бир йилга аниқ ном берилиб, шу асосда махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш яхши аънавага айланди. 2012 йил юртимизда Мустақкам оила йили, деб эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг илк йилларида-ноқ миллий маънавиятимизнинг мустақкам кўрғони ҳисобланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қуватлашга, ижтимоий ҳимоя қилишга, фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Юртбошимизнинг "Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамдод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди", деган сўзлари замирида миллий ғоямизнинг бош мақсадларидан бири — соғлом ва баркамол авлодни камолга етказиш мақсади мужассам.

Оилалар мустақкамлигининг асосий омилларидан бўлмиш она ва бола сало-



римида қад ростлаётган бир-бирдан гўзал биноларимиздан, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда эришяётган ютуқларимиздан, юртимизни турли балою офатлардан, халқимизни гаму кулфатдан эсон-омон сақлаб келаятган Юртбошимизнинг маънавий жасорати ва қатъиятидан тугилади.

...Мовий кўкда шўх қанот қоқаятган қушлар чуғури саррин эпкинларда оҳиста тебранаётган ораста гуллар, бош кўтараётган жамики жонзот ва мавжудот, димоққа уриляётган тупроқ хиди билан уйғунлашиб кетгандай гўё. Бутун табиатда бўлгани каби муаззам майдонда ҳам ажиб уйғониш палласи бошланади. Майдон теграсида ҳилпираётган турфа байроқлар атрофдаги анвойи рангларга қўшилиб кетди. Кўкда тебраниб турган улкан ҳаво шарлари дилларга завқ бағишлайди. Саҳна айланасидаги рангин чечаклар офтоб нурларида сирли жилоланади.

Юракларни сел-симоб қилиб мумтоз наволар янграйди. "Новдаларни безаб гунчалар, тонгда айтди ҳаёт отини..."

матлигини мустақкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, оммавий спортни, хусусан болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бу борада амалга оширилган барча чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар, соғлом оилани шакллантириш орқали соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялашга йўналтирилгани яхши аён.

Соғлом оила соғлом жамият демакдир. Шу боис мамлакатимизда турмуш қураётган ёшларни никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш тизими жорий этилди.

Ўтган йиллар мобайнида "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси асосида улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда аҳолига бепул, оқори малакали шешилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги тизим — Республика

# ВА МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ



шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят ҳамда туман филиаллари ташкил этилди. Бугун 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пункти одамлар саломатлигини самарали муҳофаза қилмоқда. Ушбу муассасаларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Деярли барча вилоятларда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Амалга оширилаётган бундай ишлар натижасида кейинги ўн йилда ижтимоий ҳавфи катта бўлган касалликларга чалиниш, жумладан, туғма нуқсонлар билан туғилиш ҳолатлари 32,4 фоиз камайди.

2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-қиз тиббий кўрикдан, қарийб 150 миң хомилдор аёл скрининг текширувидан ўтказилди. Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 243 миңдан ортиқ хомилдор аёл поливитаминов билан бепул таъминланди. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасида эришаётган ютуқлари жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, Тошкентда 2011 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиумда иштирок этган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен хонимнинг "Президент Ислам Каримов томонидан эълон қилинган "Соғлом она — соғлом бола" тамойилининг ҳаётга татбиқ этилиши бугунги ва келажакда баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги энг тўғри йўл бўлиб, ҳар бир одамнинг ва бутун аҳолининг саломатлигини таъминлашнинг кафолатидир. Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш модели бошқа кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин", деган сўзлари ушбу фикрнинг тасдиғидир.

"Буюк оиладир аслида Ватан, буюк оиламиз мустаҳкам бўлсин!". Шоирнинг бу сатрлари замирида истиқлол туфайли ўз тараққиёт йўлини ўзи танлаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган халқимизнинг ёруғ келажига — эзгу ниятларимиз ижобатига қатъий ишонч мужассам. Буюк оиламиз — Ватанимиз мустаҳкамлиги, қудрати фарзандларимиз саломатлиги, жисмоний ва маънавий камолоти билан чамбарчас боғлиқдир. Бу борда спортнинг алоҳида ўрни бор.

Бугун шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини изчил ривожлантириш мақ-

садида юзлаб замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этилмоқда. 2011 йилда 130 спорт иншооти қуриб битказилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён мамлакатимизда қарийб 1500 дан зиёд спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар самарасида мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан, қизлар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди.

Қизларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш болалар спортини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида ҳам қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Дастурга мувофиқ 8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида минглаб спортчи қизларга Президент совгалари — спорт кийимлари топширилди.

...Майдонга ўзбекнинг бахтли болалари, гулгунча лолалари, она юртининг баҳори — тошқин шалолалари кириб келади. Юзларида самимият ва бегуборлик балқиган ўғил-қизларнинг шодон кулгуси, жарангдор куй-қўшиқлари барчани болалиқнинг сирли оламига етаклайди. Уларнинг шўх-шодон кулгуларидан дилими яйраб экан, табиат уйғонишининг ёшлиқ фасли билан нақадар узвий ва чамбарчас боғлиқлигини янада теранроқ ҳис этамиз. Халқимиз бежиз ёшлиқни умр баҳорига менгзамайди.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажagini кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассам.

Баркамол авлод орзуси — энг олий оруз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир иш, жорий этилаётган кенг қўламли ислотлар замирида мана шу олийжаноб орзу мужассам. Ўзбекистон ёшларининг шижоати, ақлу заковати, жисмоний ва маънавий камолоти, ҳаракат ва интилишлари эзгу мақсадларимизга эришишнинг бош омилдир.

Баркамол авлод камолотида таълим алоҳида ўрин тутди. Пойтахтимизда шу

йил бўлиб ўтган "Юксак билли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт" мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган Осиед тараққиёт банки президенти Харухико Курода таълим соҳасида амалга ошираётган ишларимизга юксак баҳо берад экан, жумладан шундай деди: «Ишончликомил, таълим соҳасига йўналтирилаётган катта ҳажмдаги инвестициялар Ўзбекистоннинг энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олишига замин яратади. Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган таълим муассасалари барпо этиш билангина чекланмайди. Ушбу модель, авваламбор, сифатга, яъни ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, ўқув дастурлари ва пировард натижада биллилар сифатини оширишга асосланган. Бундан ташқари, глобаллашув билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур таълим модели Ўзбекистоннинг Осиеда, умуман, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади».

Наврўз наинки меҳроқибат ва саховат, бағрикенглик ифодаси, балки ўтган кунларга шукроналик, эртанги ёруғ келажакка ишонч, асрий анъаналарга садоқат тимсоли ҳамдир.

Шу нуктаи назардан бугун мамлакатимизда буюк боларимиз асрлар давомида яратган бой маънавий ва маърифий меросни, миллий қадриятларимизни янада қайтишти ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантириш, халқимизни, айниқса, ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳамон давом этаётган глобал муаммолар оқибатида жаҳон иқтисодиётида юзага келган муҳим бир шароитда илғор ахборот-компьютер технологиялари билан жиҳозланган, ёшларимизга миллий ва хорижий ахборот-кутубхона фондларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — замонавий ахборот-ресурс маркази ва Симпозиумлар саройини ўзига қамраб олган Маърифат марказининг қуриб битказилиши миллий маънавий-ятимизни юксалтиришга қаратилган юксак этиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

...Фольклор-этнографик ансамблларнинг чиқишларида, турфа рақсларда, халқ уйинларида кўп миң йиллик тарихга эга, гўзал ва бетакрор байрамимизнинг ноёб қирралари ўз аксини топади. Бу кўтуғ айёмнинг кишиларни бирлаштирув-

чи, дилларни дилларга боғловчи ҳаётбахш кучи янада ёрқин намоён бўлади...

Биз юксак технологиялар, глобал ахборот асрида яшаймиз. Ҳар кун бири янгилик, бир янгиланиш гувоҳи бўламиз. Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Катта иншоотлар, равон йўللар ва кўприклар, гўзал хиёбонлар, замонавий таълим муассасалари, боғ ва боғчалар, янги қишлоқлар бунёд этилмоқда. Юртимизнинг турли гўшаларида амалга оширилаётган бундай оламшумул ўзгаришларда тараққиёт, фаровонлик сари дадил одимлаётган халқимизнинг метин иродасини, қалб кўрини, бунёдкорлик салоҳиятини кўрамиз.

Тошкент ва Самарқанд орасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракатланадиган "Афросиёб" йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилиши Ватанимиз тараққиётидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

...Байрам тантанаси янада қизийди: ҳофизу хонан-



да, ўланичю лапарчи, дорбо-зу масхарабозлар — ҳамма ўз санъатини намойиш этмоқда. Мовий осмонга туташиб кетган бепоев кенгликларда сайиллар, улоқ-кўпкари, пойгалар бошланади. Қир-адирларда кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, мерганлик баҳслари қизилгандан қизийди. Дошқозонларда қайнаётган сумалак ва халим ҳиди димоқни қитқилайди. Қайси кўчага кирманг, кўк сомсаю турфа хил ширинликлар ифоридан иштаҳангиз очилади.

Юртимизда янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар учун даромад манбаларини яратиш орқали турмуш фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011 йилда мамлакатимизда яратилган бир миллионга яқин иш ўринларининг 68 фоиздан кўпроги қишлоқ жойларида ташкил этилди. Иш ҳақи 20,2 фоиз, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоиз ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мубайнида 23,1 фоиз ортди.

Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш ижрочиларнинг она Ватанини, истиклолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган куй, қўшиқ ва рақслари қалбларни жунбушга келтиради. Куйлар қўшиқларга, қўшиқлар жозибали рақсларга уланади...

Аждодларимиз янги меҳнат йилини айна Наврўздан бошлаганлар. Деҳқонларимиз айну шу паллада эл-юрт дастурхонини тўкин бўлсин, деган яхши ниyatда ерга барака уругини сочганлар.

Деҳқон борки, зироатчиликда қулай келган йилни эслмайди. Гоҳ қурғоқчилик, гоҳ жала, баъзан бевақт тушган совуғу қутилмаган жазирама уни жиддий синовларга дуч қилади. Мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли уювуда келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, миришкорларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли 2011 йили қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш шартнома мажбуриятлари

ортиғи билан уддаланди: 6 миллион 800 миң тонна галла, 3 миллион 500 миң тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 миң тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди.

...Қишининг қорли-қировли кунлари, узундан-узок туналридан зериккан, қўёш тафтини соғиниб, илиқлик истаган қалблар далаларга интилади. Қорлар эриб, кўклам либосига бурканган қир-адирларда баҳор эччилари — бойчечаклар бодрайди, чўчмоллар бозу кўтарди, қўзигуллар қўзни қувонтиради. Ариқ лабларидаги хас-хашаклар орасида яшил яппизлар буй кўрсатади. Осмонда арқон солиб турналар учади.

Дилбар куй-қўшиқ ва рақслар самога сочилган рангин мушакбозликка уланиб кетади...

Юртимиз бўйлаб Наврўз нашидаси кезмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда, бепоев дашту далаларда Наврўз сайли, байрам шодиевлари давом этмоқда.

Воҳид ЛУҚМОН,  
Ўза шарҳловчиси  
С.ЎРМОНОВ, А.АБДУЛЛАЕВ  
(Ўза) олган суратлар.



#### ❖ Фарғона шаҳрида Бизнесга кўмаклашиш маркази иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги, БМТ Тараққиёт дастури ва Марказий банк ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу марказда тадбиркорлар давлат идоралари ва тижорат ташкилотларининг ўзaro боғлиқ хизматларидан фойдаланиши мумкин. Марказ маслаҳатчилари икки ва кўп томонлама шартномалар доирасида давлат органлари ва тижорат ташкилотларининг хизматларини тақдим этади, тадбиркорлик субъектларига турли рухсатнома, гувоҳнома ҳамда сертификатлар олишда кўмаклашади.

Марказнинг очилиш маросими иштирокчилари тадбиркорлар учун бизнес юриштирининг муҳим ҳужжатларига тааллуқли тизимлаштирилган маълумотларни ўз ичига олган ахборот киоски иши билан ҳам танишдилар.

\*\*\*

#### ❖ Тошкент архитектура ва қурилиш институтида атроф-муҳитни муҳофаза қилишда замонавий архитектура ва қурилиш лойиҳаларининг ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари мутахассислари, олимлар, ёш тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Бугунги кунда атроф-табiiй муҳитнинг мусоффолигини сақлаш, экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қиладиган лойиҳалар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Назарий билимни амалиёт билан бойитиш мақсадида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда экологик қонунчилик, табиат муҳофазаси соҳасида олиб борилаётган ишлар натижаси, бино ва иншоотларни қуришда талаб этиладиган экологик экспертиза қондалари каби мавзуларда доимий мулоқот ва давра суҳбатлари, ижодий танловлар ўтказилмоқда.

Тадбирда архитектура ва қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишда табиий мувозанатни сақлашга эътибор, архитектура ва қурилиш лойиҳаларини тайёрлашда экологик экспертизанинг аҳамияти каби мавзуларда маърузалар тингланди.

\*\*\*

#### ❖ Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун аъзнавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Унда мазкур танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб чиққан тадбиркор, фермер ва хунармандлар иштирок этди.

— Кўрик-танловнинг ижодия босқичида 48 тадбиркорлик субъекти ўз ўқуқлари, имконият ва салоҳиятини кенг намойиш этди, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси раҳбари вазифасини бажарувчи Элёрбек Аҳмедов. — Тадбиркорларимизнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши, ҳам арзон, ҳам сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, янги иш ўринлари яратиш борасида юқори натижаларга эришяётганликларини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Андижон туманидаги «Руберт траст» хусусий корхонаси раҳбари Абдухалим Исмоилов «Энг яхши тадбиркор», Шахрихон туманидаги «Расул-Д» фермер ҳўжалиги раҳбари Дониёрбек Давлатов «Энг яхши фермер», шаҳрихонлик пичоқчи уста Баходиржон Йўлдошев «Энг яхши ҳўнарманд» йўналишлари бўйича ғолиб деб топилди, танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

\*\*\*

#### ❖ Тошкент давлат юридик институтида 22 март — Халқаро обихабт кунини муносабати билан «Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳамда «Экосан» жамоат фонди ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, нодавлат тузилмалар мутахассислари, олимлар, тадқиқотчилар, талабалар ва журналистлар иштирок этди.

Айни пайтда олимлар, давлат ва жамоат ташкилотлари мутахассислари томонидан сувдан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълимни ривожлантириш, экология соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига таъсири, трансгегаравий сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари, қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни қўллаш самараларига оид маърузалар тингланди.

Ўза ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

## «ЭЪТИБОР ВА ФАМХЎРЛИКДАН МАМНУНМИЗ!»

Наврўз — дийдорлашув байрами. Ўзбекимнинг энг гўзал хислатлари акс этадиган тантана. Ана шуни ҳис этган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети касаба уюшмаси жамоаси ҳар Наврўзда университетнинг педагоглари, фахрий ўқитувчилар ва талабаларини бир пиёла чой баҳона дийдорга чорлайди. Бу галги байрамга 450 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи, нафақадаги устозлар тақдир этилди.

Тадбирни «Баҳор валси» билан университетнинг талаба-қизлари бошлаб беришди. Шундан сўнг меҳмонлар учун тайёрланган байрам дастури асосида халқ оғзаки ижодидан намуналар, куй-қўшиқ ва рақслар байрам табрикларига улашиб кетди.

— Эллик уч йил шу университетда фалсафа ва этика-эстетика фанларидан ёшларга дарс бердим, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, фахрий ўқитувчи Тўхта ака Қурбонов. — Бу йил тўқсон ёшни қаршилайман. Биздек фахрийларга кўрсатилаётган мана шундай эътибор ва фамхўрликдан мамнунмиз.

Тадбир давомида «Йилнинг энг яхши дарслик муаллифи», «Йилнинг энг яхши ўқув қўлланмаси муаллифи», «Йилнинг энг яхши электрон ўқув адабиёти муаллифи» каби номинациялар бўйича ғолиб бўлган ўқитувчилар

ни тақдирлаш маросими ўтказилди. Наврўз байрами арафасида 11 йўналиш бўйича яратилган монография ва илмий мақолалар танлови ташкил этилган эди. Унда ғолиб деб топилган 4 монография ва 12 илмий мақола муаллифи ҳам эълон қилинди.

Бугунги кунда университет касаба уюшмасининг 1622 педагог ва 8540 талаба аъзоси бор. Уюшма кенгаши ҳар байрамда нафақадаги педагоглارни йўқлаб, кам таъминланган оилаларга ҳам моддий ёрдам беради.

— «Мустаҳкам оила йили»га бағишланган тадбирларни «Камолот» ЕИХ университети кенгаши ва хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказаяпмиз, — дейди университет касаба уюшмаси кенгаши раиси Салим Болтабоев. — Режаимиздан маънавий-маърифий, ижтимоий муҳофаза, ҳуқуқий тарғибот ҳамда оилани мустаҳкамлаш борасидаги комплекс тадбирлар ўрин олган.

Ҳаёт — байрамлар билан гўзал. Умр — яқинлар дийдори, меҳр-муҳаббатни ва илиқ сўзлар билан тотли. Тадбирга йиғилган отахону онахонлар, фахрий ўқитувчилар қалбидаги соғинч ва қувонч уларнинг чехрасида, самимий суҳбатларида намоён бўлди. Қадрдонлар учрашувида меҳр-муҳаббат байрами шуқуқи, тантаналари ва шўх куй-қўшиқларига ҳамоҳанг ажиб бир тароват акс этди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,  
«Ma'rifat» мухбири

## БОҒЧАНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Наманган вилоят халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидида 1-давлат махсус мактабгача таълим муассасаси ўтган йили капитал таъмирланди.

— 2011 йили муассасамизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида, — дейди муассаса директори Н.Маҳаммадалиева. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилдаги «Давлат махсус мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра туман ҳокимлиги, прокуратураси томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Таъмирлаш ишларига 270 миллион сўм маблағ сарф этилган бўлса, бунда ҳомийлар ҳам ёрдамга келганини алоҳида таъкидлаш лозим. Капитал таъмир натижасида иситил тармоқлари, ёзги айвончалар янгиланди. Ёзги ошхона, кўмирхона, қоровулхона бинолари қурилди. Эртақлар шарҳчаси, уйин майдончалари, жонли бурчаклар барпо қилинди. Муассаса атрофи ободонлаштирилди. Шунинг-

дек, 2 миллион 200 миңг сўмлик стол-стуллар, 1 миллион сўмлик ётоқхона учун юмшоқ жиҳозлар олинди. Капитал таъмирдан сўнг таълим муассасамизда яна 9та махсус гуруҳ очиб имкониятга эга бўлди. Ҳозир ушбу гуруҳларимизда 45 нафар тарбиячи, 3 нафар дефектолог, 2 нафар руҳшунос, 3 нафар ҳамшира, 1 нафар мусиқа раҳбари, 1 нафар жисмоний тарбия йўриқчиси 94 нафар болажоннинг таълим-тарбиясига масъул.

Ҳайрулло АБДУРАХИМОНОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

## ТЎГАРАК РАҲБАРЛАРИ ЎҚУВИ

Тошкент вилояти «Баркамол авлод» болалар марказида Тошкент шаҳри ҳамда вилоятида фаолият юритаётган техник йўналишдаги тўғарак раҳбарлари учун ўқув семинари ташкил этилди.

— Семинардан кўзланган мақсад техник йўналишдаги тўғарак раҳбарларини тайёрлаш, уларга маҳорат машғулоти ўтиш, — дейди «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази директори Хадича Зокирова. — Улар учун ҳали қўлланма ва ишланмалар етарли эмас. Ҳозирги кунда фаолият юритаётган тўғаракларда ўқувчи нафақат авиамодел, ракетамодел каби техник моделлар-

ни ўрганади, балки ватанга садоқат, ота-онага ҳурмат руҳида тарбияланади.

Семинардан Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида» китобини тўғарак машғулоти давомида ўрганиш зосидан tavsiyalar берилди. Шунингдек, «Авиамодел», «Автомодел», «Ракетамодел», «Кемасозлик» йўналишлари бўйича «Қорғоз ва картондан турли оддий авиамоделлар тайёрлаш», «Автомодел турлари билан танишиш», «S-6-A синфидаги стреммерли ракета моделини ясаш», «Елканли катамаран ясаш» каби мавзуларда маҳорат машғулоти ўтказилди.

Шарифа МАДАРАХИМОВА

## МУСТАҲКАМ ЖАМИЯТ АСОСИ

Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинимасида Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг «2011 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳамда жорий йилда адлия органлари олдидан турган муҳим вазифалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда адлия бошқармаси томонидан ўтган йили амалга оширилган ишлар муҳокама этилди. Ўтган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да тадбиркорлик субъектлари манфаатини ҳимоя қилиш ва уларни ноқонуний текшириш ҳолларига барҳам бериш, даъво аризаларини қўриб чиқиш хусусида сўз борди. Адлия органларида махсус

008 рақамли «Ишонч телефони»нинг ташкил этилганлиги тадбиркорлар ҳуқуқлари бузилишига барҳам бермоқда. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи Хайриддин Файзиев фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини янада

ошириш, нодавлат ва нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидаги ўтказишда қонун талабларига риоя этиш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан никоҳланувчи шахсларнинг никоҳ шартномалари аҳамиятини янада чуқурроқ англаши зарурлигини таъкидлади.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олди.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

# ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА НАВРҮЗ

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида баҳорнинг гўзал айёми Наврўзи олам катта хурсандчиликлар билан нишонланмоқда. Бу айём, айниқса, таълим муассасаларида ажиб бир кўтаринчилик билан байрам қилинади. Соқларига баҳорий гуллардан гулчамбарлар таққан қизалоқлар, бошида дўппию белида белбоғи бор йигитлар боқий айём ҳақидаги куй-кўшиқ, рақслар ва шеърлар ижро этишди. Бир томонда спорт мусобақалари, бир томонда сахналаштирилган бадий чиқишлар барчага бирдек манзур бўлди.

Куйида таълим муассасаларида бўлиб ўтган байрам тадбирлари тафсилотлари билан танишасиз.



## БАҲОР ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти янги бош биноси олдида «Наврўз — баҳор ва нафосат байрами!» театрлаштирилган байрам тантаналари кўтаринчи руҳда ташкиллаштирилди. Тантанана Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар, фан, маданият, санъат ва спорт арбоблари, шохар жамоатчилиги, ОАВ ходимлари ташриф буюришди.

Очiq театр бўйлаб янграган тантанали байрам куйлари, сахна теварагига қўйилган гуллар, ажойиб кўринишлар кўнгилларни жўштириб, йирилганлар қалбига чексиз қувонч бағишлади. Бу ҳолат институт профессор-ўқитувчилари, талабалари қалбини энтиктирган, эзгу ишлар қилиш, яратиш, янгилиниш сари чорлагани аини ҳақиқат.

Кўнгилларни тўлқинлантирган байрам тадбирида мазкур институт ректори вазифини бажарувчи Маман Са-

рибоев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорғи Кенгеси кўмити раиси Баҳамдулло Нурабуллаев, филология фанлари доктори, профессор Каримбой Куромбоев, Президент стипендияси соҳибаси, табиатшунослик факультети талабаси Нарғиза Йўлдошева ва йирилганларни халқимизнинг энг қадимий миллий қадриятлар тимсоли бўлган уйғониш ва яшарлиқ фасли — Наврўз байрами билан қизғин қутлади.

Қорақалпоғистонда истиқомат қиладиган барча халқларнинг удум, урф-одат ва анъаналарини намойиш қилувчи кўргазмалар, «Тўмарси» ашула ва рақс жамоаси, «Турон» театр студияси, фольклор-этнографик жамоалари ҳамда ёш спортчиларнинг бадий чиқишлари ушбу тадбирнинг янада файзли ўтишини таъминлади.

**Айсулу ДИЛЬМАНОВА,**  
Ажиниёз номидаги НДПИ  
табиатшунослик факультети  
талабаси

## ҲАР БИР ЁШ ҚАЛБИДА ЖУШҚИНЛИК

Сурхондарё вилояти халқимизнинг қадимий анъаналари, урф-одатлари ва тарихий ўйинларини кўп сақлаб қолган худудлардан бири. Наврўз байрами кунларидан бу жиҳат янада яққол намоён бўлади. Олтинсой туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабида Наврўз байрами муносабати билан бўлиб ўтган ўзбек халқ ўйинлари мусобақаси ўқувчи-ёшларни бой маданият меросимиз билан яқиндан таништиришга катта ҳисса қўшди. Халқимизнинг умрбоқий қадриятлари бежиз асрлар оша яшаб келмаслиги, унинг замирида jismoniy ва руҳий баркамоллик, шижоат ва ирода, сабот, матонат ва мardlik каби қонимизга сингиб кетган туйғулар мужассам эканлиги ушбу мусобақалар жараёнида ҳам яққол намоён бўлди. Ку-

раш, чиллак, бештош, ошиқ, пар теппи, арқон тортиш, тош кўтариш мусобақаларида ўқувчилар ўзларининг jismoniy соғломлигини намойиш этишган бўлса, миллий таомлар баҳси ҳам ёшларнинг миллийлигимиздан қанчалик яхши хабардор эканлигини исботлади. 461 нафар ўқувчи таълим-тарбия оладиган бу масканда ҳар йили Наврўз ана шундай ўзига хос тарзда нишонланади.

Эътиборлиси, бу йилги байрам шодибанасининг энг қизиқарли баҳсларидан бири бир неча шартлар бўйича оилавий мусобақанинг ташкил этилгани бўлди. Мазкур тадбирда маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари, ота-оналар, ҳомий ташкилотлар ҳам фаол иштирок этишди.

**Соатмўмин ЖУМАЕВ,**  
журналист



Пойтахтимиздаги 50-мактабда ушбу гўзал айёмга бағишланган «Ассалом, Наврўз» мавзусида очiq дарс ташкил этилди. Дарс жарчи ўқувчининг байрамга чорлови билан бошланди.

Шундан сўнг ўқувчилар боқий қадриятлар, миллий урф-одатлар ҳақидаги билимларини намойиш этишди. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги савол-жавоблар ҳам баҳор, миллий байрамлар, хусусан, Наврўзи оламнинг аҳамиятига бағишланди.

**В.ГРАНКИН** олган сурат.



Пойтахтимиздаги 18-мактабда бўлиб ўтган Наврўз байрами тадбири илм маскани бадий ҳаваскорлик тўғраги аъзолари томонидан чалинган доира ва ногора садолари остида бошланди.

## ҚАДРИЯТЛАР ТАНТАНАСИ

ТАТУ қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейида «Қадриятлар қаноти — Наврўз!» байрам тадбири ташкил этилди.

Айём ўзбекона анъаналаримиз улуғланган ҳолда қарнай, сурнай садолари остида тантанали тарзда бошланди. Байрам дастурига биноан ҳар бир ўқув гуруҳи ўқувчилари мамлакатимиз худудида истиқомат қилаётган барча вилоятлар халқларининг қадимий миллий либослари, қадимдан шакланган ва турмуш тарзига уйғунлашиб кетган урф-одатлари, турли таомларидан намуналар намойиш этишди. Айниқса, 2021-2023-ўқув гуруҳи ўқувчилари томонидан мамлакатимиз жанубий худудлари Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасида сақланиб қолган ва мустақиллик шарофати туйғули сайқаланиб янгича мазмун кашф этаётган қадимий урф-одатлар — кўпқари, бахшичилик, миллий кураш ва никоҳ тўйи анъаналаридан намойиш этилган лавҳалар ташрифи буюрганларнинг олқишига сазовор бўлди.

Шу сингари, I ва II босқич ўқув гуруҳлари ўқувчиларининг барчаси ўлкамиз вилоятларининг анъаналарини маромига етказиб тақдим этишди. Байрам тантанасида сахна кўринишлари, турли куй-кўшиқлар қатори академик лицейнинг иқтидорли ўқувчилари ижодидан намуналар, уларнинг моҳир қўлларида жило топган бир-биридан жозибали хунармандчилик буюмлари, турли-туман пишириқлар, миллий таомлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

**Раёна УЗОКОВА,**  
ТАТУ қошидаги Мирзо Улуғбек  
академик лицейи ўқитувчиси



Байрам муносабати билан пойтахтимиздаги 500-мактабга таълим муассасасида фаоллар зали байрамона безатилди. Жажжи ўғил-қизлар ҳам байрамона либосларга бурканди. Улар томонидан ижро этилган рақслар йирилганларга баҳорий кайфият улашти.

**Б.РИЗОКУЛОВ** олган сурат.



Миробод туманидаги 125-умумтаълим мактабида ҳам «Ассалом, Наврўз!» деб номланган кеча кўтаринки кайфиятда ўтди. Мураббийлар, ота-оналар ҳамда маҳалла фаоллари иштирокидаги тадбирда ўқувчи-ёшлар томонидан қизиқарли байрам дастури тақдим этилди. 5—9-синф ўқувчилари Наврўз ва уни нишонлаш, байрам таомлари ҳақидаги билимларини намойиш қилдилар.

Дастурхонга Наврўз таомлари тортилди. Рақс, куй-кўшиқлар, сахна кўриниши ўқувчилар томонидан намунали ижро этилди. Айниқса, Баҳорий, Бободехон ва Она ер каби қаҳрамонлар кўпчилигининг эътиборини тортиди. Йигит-қизлар ўртасида ўтказилган арқон тортиш ўйини тадбирни янада жонлантирди.

**В.ГРАНКИН** олган сурат.

## БОҒЧА БОЛАЛАРИНИНГ «ЯНГИ КҮН»И

Наврўз умумхалқ байрами мисолида МТМ тарбияланувчилари тасавурида миллий байрамларимиз, ўйинларимиз, қадриятларимиз ҳақидаги тушунчаларни бойитиш мақсадида Учтепа туманидаги 455-мактабга таълим муассасасида «Ассалом, Наврўз!» мавзусида байрам дастури намойиш этилди. Мактабга таълим муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази услубчилари билан ҳамкорликда тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Мавлуда Собирова раҳбарлигида ўтказилган мужассамлашган адабий-бадий кеча болаларнинг

«Наврўз», «сайил» каби тушунчалар моҳиятини атофличка аглаб етишларига туртки бўлди. Сулмақ, кўк сомса, ҳалим каби миллий таомларнинг фойдали жиҳатлари ҳақида ҳам болалар билганларини айтишди. Шарқ мамлакатларида йил боши Наврўздан бошланганини, байрам номи янги кун маъносини беришини сахна кўриниши орқали тасвирлашди. Шундан сўнг болалар тадбирдан олган таассуротлари асосида «Илк баҳор» мавзусида расм чизиб, уни ота-оналарига тақдим этишди.

**Н.ЭРХОНОВА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар», дея таъкидланган. Бугун ёшларимиз орасида ҳарбий хизматга шарафли бурч, муқаддас вазифа сифатида қаралаётгани қувонарли ҳол, албатта. Яқинда Наманган вилоят мудофаа ишлари бошқармасида ўз йигитлик бурчини ўташ учун отланган бир гуруҳ йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

## ЙИГИТЛАР — ВАТАННИНГ ҚУДРАТИ

Вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг чақириқ бўлими бошлиғи, майор Руслан Бабаев тадбирда куйидагиларни таъкидлади:

— Мустақиллик йилларида миллий армиямиз тубдан ислох этилиб, халқимиз тинчлиги ва оқсоғишталлигини таъминлашга қодир профессионал, ихчам ва тезкор Куролли Кучлар вужудга келди. Миллий армиямизга чақирилувчиларнинг танлов асосида саралаб олинishi натижасида армиямиз мард ва жасур, юксак интеллектуал қобилиятли кадрлар билан тўлдирилди. Ёшларнинг жисмоний тайёргарлигига берилаятган эътибор ва яратилаётган шароитлар натижасида ҳар йили чақирилувчиларнинг бўйи, вази, саломатлиги, ақлий қобилияти ўсиб бормоқда. Сўнги икки йилга солиштирганда бу йилги чақирилувчиларнинг бўйи 2-3 см.га, вази 3-5 кг.га ортганини кўриш мумкин. Йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш

борасида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига бир қатор ўқув тўғарақлари ташкил этилган. Ҳарбий ошпаз, ҳарбий ҳайдовчи касби шулар жумласидир. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтиладиган чақириқча ёшларни тайёрлаш дарслари аҳамият касб этмоқда.

Ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, синовларни муваффақиятли топширган йигитлар олий ўқув юртига кириш имтиҳонларида энг юқори балнинг 25 фоизи миқдориди имтиҳонга эга бўлишади. Қолаверса, уларда шартнома асосида хизматни давом эттириш имконияти ҳам бор.

Маросимда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ходимлари йигитларни ҳарбий хизматга саралаш жараёни ҳақида йигилганларга батафсил маълумот берди.

**Хайрулло АБДУРАХМОНОВ**  
Наманган вилояти

## «ҚИЗЛАР БЕШТОШ, БИЗ ҚОЧАР ТЎП ҲАМ ҲАМ ҲАМ ЭДИК» дейди зоминлик кекса педагог Соат Алиқулов

Наврўзи нишонлашда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос урф-одатлари, удумлари бор. Зомин туманининг тоғли қишлоқларида баҳор байрами қадим-қадимдан қандай нишонлангани ҳақида Сарикамар қишлоғида яшовчи кекса педагог Соат Алиқулов ҳикоя қилади:

— Наврўзда биз болалар тўпланишиб, турли ўйинларни бошлаб юборардик. Қизлар бештош (ҳалпак), кўзбойлар, сочга попуқ тақиш каби ўйинлар билан машғул бўлардик. Биз ўғил болаларнинг эса севимли машғулотишимиз қочар тўп бўларди. У вақтда копток йўқ эди. Отаналаримиз сигир жунидан тўп ясаб беришарди. Қочар тўп ўйинида биз болалар акаларимиз ҳам қўшилиб ўйнаган.

Наврўзнинг эсда қоларли удумларидан бири — тансиқ таомлар пишириш бўлиб, қор эриб, қирларда энди бош кўтарган турли доривор гиёҳлардан оналаримиз бири-биридан ширин таом-

лар тайёрлашган. Чириш (шифобахш гиёҳ сувга солиб қайнатилади), кўк қатлама, филминди каби таомларнинг мазаси оғзимимиздан кетмайди. Дўлдали қаймоқ ҳам тоғлиқларнинг севимли таомларидан бири. Уни тайёрлаш учун сутнинг қаймоғи олинди пиширилади. Қаймоқдан тайёрланган аралашма юпқага ўралади. Бу каби тансиқ таомлар дармондори вазифасини ўтаб, вужудимизга куч-қувват бағишлар эди.

### Milliy o'yinlar



Ҳозир баҳор байрамини нишонлаш анча тақомиллашиб, ўзгариб кетди. Бугунги халқ сақлаётганининг таърифи тил ожиз. Шундай бўлсада, қишлоғимизда ўзига хос урф-одатлар сақланиб қолган. Кўпқари, сумалак сайли каби удумларимиз ёшлар томонидан давом эттирилмоқда. Наврўз юпқага ўралади биз учун ҳаммиша қадри бўлиб қолаверади.

**А.СОДИҚОВ** ёзиб олди.

Жиззах вилояти

## ИБРАТЛИ ТАДБИР



Наврўз — неча минг йиллик қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси тасдиғидир. Учтепа туманидаги 106-мактабда ўтказилган «Кўклар — озодлик фасли» тадбирида юқоридаги фикр ўз тасдиғини топди.

Ижодкор, изланувчан ўқитувчи Манзура Назарова 4-«В» синф ўқувчилари билан «Табият», «Баҳорой», «Наврўзой», «Дехқонбобо», «Ниҳоллар» тимсолларини намойиш қилди, миллий удумлар, лапар ва рақслар орқали барчага байрам шодисини тўхта элди. Ўқувчилардан Моҳир Бахтиёр, Нусратилла Саидгафоров, Зебо Шавкатова, Азиза Фафорова ижро этган Наврўз ҳақидаги шеърлар, спорт ўйинлари, сахна кўринишлари отаналар ва меҳмонлар томонидан олқишланди.

— Бугунги тадбирнинг «Ёшлар боғи»га ниҳол ўтказиш билан якунланиши ноанъанавий ва ибратли бўлди, — дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича уринбосари ўқувчи Икромов. — Зеро, «Яшидан боғ қолади». Қайта тугилиш, покланиш, яшарли байрамнинг таътилларида ўтказилгани ҳам айти мудоғидир.

**Маҳмуда ЗОИРХОН** қизи

«Бугун ахборот технологиялари тараққиёти суръати шу даражада тезлашдики, айти дамдаги янгиллик бир ойдан сўнг оддий ҳодисага айланиб қолмоқда».

«XXI asr texnologiyalari» журнаlining 2012 йилдаги янги — 1-сон ҳудди шу сўзлар акс этган «Вақтдан ўзаятган технологиялар» мақоласи билан бошланади. Дарҳақиқат, янги аср кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгилликларга бой ва бунда ахборот технологиялари бирламчи аҳамиятга эга.

Мақолада таъкидланганидек,

лифлар ва техник ишланмалар» номинацияси ғолиблари фикрлари журнал саҳифаларидан ўрин олган.

Яқинда пойтахтимизда бугунги кунда энг юксак ва сифатли техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Ўзбекистон МТРК Медиамарказ» давлат унитар корхонаси бунёд этилиб, ишга туширилди. Бу ҳақда «Янги медиа марказ» мақоласида ўқинг. «Yosh o'lim minbari» рўқнида эса «АКТ воситалари фотобатарейларининг самарадорлигини ошириш» мақоласи берилган.

Шахсни биометрик идентифи-

## ЯНГИЛИКЛАРДАН БОҲАБАР БЎЛАСИЗ

истиқлол йилларида Ўзбекистонда телекоммуникациялар соҳаси жадал ривожланиши ва бу мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш. Энг муқаддас мақсад» ахборот-мақоласида шу йил 16-17 феврал кунлари пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференция тафсилотлари берилган.

Республикамиз Куролли Кучларининг 20 йиллигига бағишланган «Ҳарбийлар таълимида замонавий технологиялар» мақоласи ҳам сизда қизиқиш уйғотиши табиий.

Шунингдек, «Келажақ овози — 2011» республика иқтидорли ёшлар танловининг «Ахборот технологиялари, рационализаторлик так-

қация қилиш технологиялари, кутубхоналар учун симсиз интернет технологиялари, инновациялар ва инновацион технологиялар ҳақидаги материаллар ҳам сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Буюк аждодимиз Алишер Навоийнинг ҳайратомуз ихтиролари ҳақида эшитганмисиз? У ҳолда ҳудди шу номдаги мақолани ўқиб, сизда Навоий асарларини ўқишга иштиёқ янада кучайиши табиий.

Компьютер сотиб олишда нималарга эътибор бериш керак? Бу борада мазкур сондаги мақола ва тавсиялар сизга кўмак бериши шубҳасиз.

Бундан ташқари, журналда техника янгилликлари, дунёнинг энг йирик аэропортлари, Палма ороллари, «Rationalizatorlik klaffi» рўқнида қуёш, шамол ва сувоти чархпалаги ҳақидаги маълумот, алломалар ўғитлари, ақлни чархловчи кроссворд муштарийлар эътиборига ҳавола этилган.

**Б.ФАЗЛИДДИНОВ**

## «ЕКОЛАМ» — ҲИҚМАТ КИТОБИ, ЎҚИБ ВА ЎҚИБ ЯША!»

Yangi nashr



Янги нашр муқовасидаги ушбу шиор муҳлислар эътиборини тортади. Табиатни, унинг табиий бойлиқларини асраб-авайлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кенг жамоатчиликнинг ишига айланган бир пайтда бундай журналнинг нашр этилиши мақсадга мувофиқдир. Гарчанд шу йўналишдаги нашрлар аввалдан мавжуд бўлса-да, «ЕКОЛАМ» ўз аудиториясини топиб олишига шубҳа йўқ. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида илк сони чоп этилган ушбу журнал тўлиқ лотин имлосига асосланган ўзбек алифбосида бўлиб, рангли-безакли кўринишда. Журналда мактаб ўқувчилари ёшга мос қизиқарли мақолалар, рангли суратлар эълон қилинган. Хусусан, биологик хилма-хилликни сақлашда муҳим объект бўлган Ҳисор давлат кўриқ-хонаси ҳақидаги мақолани журналонлар ўқиб қизиқарли, зарур маълумотлар олиши мумкин. «Olamga

sayohat» рўқни остидаги мақола Киппон — қуёш мамлақати Японияга бағишлангани ҳам ўқувчиларни эътиборсиз қолдирмайди. Ривожланган ушбу давлат географиясини, унинг флора ва фауна дунёси хусусидаги маълумотлар ўқитувчи ва ўқувчилар учун асослади.

**Ҳ.КУЗМЕТОВА**

Урганч тумани Фойбу қишлоғида жойлашган "Туркманлик" маҳалласидаги 29-умумтаълим мактабида таълим туркман тилида олиб борилади. Маҳалла ҳудудидаги 405 оилада 1800 нафар туркман миллати вакиллари истиқомат қилади.

— Гарчи миллатимиз туркман бўлса-да, Ўзбекистонда, шу қишлоқда туғилганмиз, — деди «Туркманлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Райимберган Аннафасов. — Шу қадим воҳа, азим Ўзбекистон бизнинг Ватанимиз, шу мамлакатда униб-ўсдик, бугун фарзандларимиз, невараларимиз ҳам баркамол, безавол улғайишмоқда. Тўю маъракаларда қардошларимиз — ўзбеклар билан ёнма-ёнмиз. Борди-келди қиламиз. Ўзбеклар билан қуда-анда бўлиб кетганмиз. Мана, яқинда янги оиланинг тўйини ўтказдик. Туркман йиғити Анвар Тоҳиров, ўзбек қизи Фазилат Хайитматова билан умр йўлларини боғлашди. Бу оиланинг катта келини Бикажон ҳам аслида ўзбек. У бундан 30 йил олдин туркман йиғити Тоҳир билан аҳду паймон қилиб, турмуш қурган. Бугун у ўз ўғлига ўзбек қизини келин қилиб олиб берди. Бу хонадон жуда аҳил, тинч-тотув умр кечиради. Ибратли, намунали оилалардан бири.

Ёши етмишларга борган отахон Худойберган Жуманиёзов суҳбатга қўшилади: — Мен шу дийрда туғилдим, ота-оналаримиз бир пайтлар Туркманистондан кўчиб келиб қолган экан. Илгари беш-олтита хонадон бўлган туркманлар бугун анча кўпайиб қолди. Маҳалламиз "Туркманлик" деб аталади. Бу ерда ўз урф-одатларимиз, қадим қадриятларимиз билан яшаймиз. Тинчлигимизга, осовишталигимизга ҳеч ким раҳна

солмайди. Ҳеч ким бизга "Сен нарироқ тур, миллатинг бошқа" демайди. Қайтанга тўй-тадбирларда ҳурматимизни жойига қўйишадди. Ўзбеклар бағрикенг, хушфёъл. Утган йили муқаддас ҳаж зиёратига бориб келиш бахтига муяссар бўлдим. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва ўзбекларнинг қардошларига нисбатан ғамхўрлигидан далолат беради.

Бугун кексалик гаштини сурмоқдаман, ҳаётимдан, босиб ўтган йўлимдан мамнунман. Ёшларга йўл-йўриқ, маслаҳат бераман. Тўри

мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида мукамал таъмирланди. Янги мебеллар, ўқув жиҳозлари келтирилди. Энг замонавий типдаги спорт анжомлари, спорт зали ўқувчилар ихтиёрида. 280 нафар ўғил-қизга ўз фанининг фидойилари бўлган 71 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда.

Мазкур мактаб ўқитувчи ўқувчиларининг ютуқлари нималарда намоён бўлаётир?

— Натижалар жуда яхши, — деди мактаб директори

## O'zbekiston — umumiy uyimiz

Назокат Ражабова, Хуршида Абдуллаеванинг муваффақиятлари ҳам қувонари.

— Мактабимизда ижодкор ўқувчилар анчагина, — деди Гулистон Ражабова. — "Ёш газалхон" танловида 7-синф ўқувчиси Ойгул Йўлдошева «Энг яхши назм маликаси» бўлди.

— Мен "Ёш суҳандонлар" кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этиб, иккинчи ўринни олдим. Бу ютуғимда устозим Курвонгул Дурдиеванинг катта хиз-

таб жамоаси биринчи ўринга муносиб, дея эътироф этилди. Танловда ўқитувчилар туркман миллатига мансуб кийим-кечакларни намоёиш этишди, чеварлар кўлида жило топан кигизлар, туркманча ёқа, пайпоқларда миллатнинг азалий аънавалари акс этган.

— Мактабимизнинг муносиб тўғарага аъзолари ва ўқитувчилар билан биргаликда вилоят ва туманда ўтказиладиган тантана ва тадбирларда, Наврўз айёми ҳамда Мустақиллик байрамларида фаол қатнашамиз. Туркман миллатига хос аънава ва урф-одатларни намоёиш этишимиз, туркманча кўшиқларни қўйлаймиз, ўғил-қизларимиз биргаликда туркманча рақса тушадилар, — деди муносиб фани ўқитувчиси Каримбой Аннафасов.

"Ўзбек-туркман" дўстлик гузариди машҳур шоирларимиз Алишер Навоий ва Махтумқулининг ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш аънавага айланиб қолган: янги оила қураётган ёш келин-кўвлар ва ерга гулдаста билан келишади. Гўё икки халқнинг буюк шоирлари ёшларга дўстликни улуглаш ва қадрлаш ҳақида маслаҳат бераётгандек кўринади...

Хур Ўзбекистон тупроғида озод ва бахтли ҳаёт кечираётган туркман халқининг миннатдор нигоҳларида шу заминга бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари жўш уриб турганлигини ҳис этдик. Зеро, Ўзбекистон бағрикенг диёр, у ўзининг ҳар бир фарзандини миллати, ижтимоий келиб чиқиши, касб-коридан қатъи назар, ардоқлайди, азиз билади.

Феруза  
ТАНГРИБЕРГАНОВА

Хоразм вилояти

# ШУ ЗАМИН ФАРЗАНДИМИЗ

йўлдан адашмасликни, ота-онага, туғилган муқаддас заминга садоқатли бўлишни таъкидлайман.

Отахоннинг фикрини кекса онахон Ўрозгул Ўрозматова давом эттиради:

— Мен ҳам яқинда муқаддас ҳаж зиёратига бордим. Бувам ва бобом умр бўйи ҳажга боришни орзу қилиб ўтишди. Бугунги тўқинлик ва фаровонлик замониди, Ўзбекистоннинг мустақиллиги шарофати билан биз бундай улуг бахтга мушарраф бўлдик. Доимо дуоларимизда ўзим туғилган шу заминнинг тинчлигини, осовишталигини Яратгандан сўрайман. Фарзандларимнинг, неварачевараларимнинг тинчлигини тилайман. Мана, фарзандларимиз ёнгинамиздаги мактабда туркман тилида ўқияптилар. Бу ҳам бир иноят аслида. Улар учун барча шароитлар муҳайё.

Мазкур ўқув муассасаси

Искандар Ботиров. — 20 нафардан зиёд ўқувчимиз вилоят миқёсида ўтказилган турли хил спорт мусобақалари ва кўрик-танловларда, «Билимлар беллашуви» да голиб бўлиб, фахрий ёрлик билан тақдирланди. Мактабимиз обод, кўркам. Замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари муҳайё. Янгича ишлаш ширимиз!

"Билимдонлар беллашуви" да ўзбек тили фани бўйича энг зукко ўқувчи дея эътироф этилган Хуршида Раҳимова (4-синф), Сабоҳат Йўлдошева (5-синф), Мавлуда Қодирберганова (6-синф), Лобар Галдимуродова (7-синф)нинг ўқитувчилари Марямжон Матмуродова, Шарофат Қурбонсидова, Ҳавожон Бобононова, Нодира Аматова уларнинг голиблар сафиди бўлиши учун чинакам фидойилик кўрсатишди.

"Тўмарис авлоди" кўрик-танловининг голиблари

мати бор, — деди Лобар Галдимуродова.


— Мен эса қаратэ бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган вилоят биринчилигида туманлараро 30 килограмм вазн тоифасида 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим, — дея суҳбатга қўшилди Муҳаммад Мадамино.

Ўқув маскани деворларидаги стендлар орқали ўқитувчи ва ўқувчилар таълим соҳасидаги янгиликлардан хабардор бўлиб боришади. "Мактабимиз информатив" стендида тажрибали ўқитувчилар, аълочи ўқувчиларнинг суратлари ўрин олган.

— 8 нафар ўқитувчи устама ҳақ олиб ишлайди, — деди Абдукарим Матмуродов. — Ўқитувчи ўз устида ишласа, меҳнатлари самарасини кўрса, ҳамиша фаол, ижодкор бўлади.

"Аёл кўлидаги марварид" кўрик-танловида ушбу мак-

## БОҚИЙ БАЙРАМ



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 148-ҳамда Яққасарой туманидаги 72-мактабларда боқий байрамимиз Наврўзи олам кўтаринки руҳда ўтказилди.

148-мактабда бўлиб ўтган тадбирда ҳар бир синф мамлакатимиз вилоятларида ушбу айём билан боғлиқ урф-одатларни акс эттирувчи сахна кўринишларини намоёиш этдилар. Ўқувчилар томонидан тайёрланган таомлар кўргазмасидан баҳорнинг энг тансиқ таомлари ўрин олди.

72-мактабдаги тадбир спорт мусобақалари билан бошланди. Унда илм масканининг ўқитувчилари, ўғил болалари тош кўтариш ва арқон тортиш каби спорт турлари бўйича беллашган бўлса, қизлар миллий либосда миллий таомларни тайёрлаш ва миллий қўшиқ-



ларни ижро этиш бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Ҳар иккала байрам тадбири қуй-қўшиқ ва рақсдан иборат муносиб дастур билан ниҳоясига етди.

Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.





# POMIDORNING RANGI NEGA QIZIL?

Bu savolga hammamiz ham birdek to'g'ri javob bera olmasak-da, 5-sinfda o'qiyotgan o'quvchilarning aksariyati ushbu holatni asoslab bera oladi. Umumta'lim maktablarining 5-sinflarida o'tiladigan botanika darsligida 4ta laboratoriya mashg'uloti berilgan. 3-laboratoriya mashg'ulotining mavzusi «Piyozi po'sti, pomidor eti, chigit tuklaridan preparat tayyorlash va ularni mikroskopda ko'rish» deb nomlanadi. Ushbu laboratoriya mashg'uloti jarayonini Hamza tumanidagi 153-maktab biologiya fani o'qituvchisi Iroda Sobirova olib borgan dars davomida kuzatdik.

O'quvchilarning o'simlik hujayralari haqidagi bilimlari puxta egallashi uchun piyozi po'stidan, pomidor etidan va chigit tuklaridan vaqtinchalik preparat tayyorlay olish, o'simlik hujayralarining xilma-xilligini kuzatish, o'quv-laboratoriya jihozlari bilan mustaqil foydalanishga o'rgatish maqsadida o'tkaziladigan bu mashg'ulotda tarbiyaviy va rivojlantiruvchi xususiyatlar quyidagicha belgilandi: o'quvchilarni atrofimizdagi olamga oqil ravishda munosabatda bo'lishga o'rgatish, ekologik, estetik, iqtisodiy tarbiya berish hamda o'quv-tajribalarni ma'lum bir ketma-ketlikda amalga oshirish malakasini, kuzatuvchanlik qobiliyatini rivojlantirish.

Darsda quyidagi jihozlardan foydalanildi: Mikroskop, laboratoriya asbob-anjomlari to'plami (pinset, tomizgich, qoplag'ich va buyum oynasi, filtr qog'oz), preparoval to'plam (skalpel, pinset, preparoval nina, pipetka, preparoval o'lchov idishlar to'plami, piyozbosh, pomidor mevasi, paxta chigiti), suv.

Laboratoriya mashg'ulotining maqsadi va vazifalari tushuntirilgach, sinf uchta kichik guruhlariga ajratildi. So'ngra o'tilgan mavzu yuzasidan takrorlash va uni yangi mavzu bilan bog'lashga e'tibor qarlatildi. «Mikroskop qanday asbob?», «Uning umumiy tuzilishi qanday?» kabi savollarga javob berar ekan, har bir guruh mikroskop qismlarini amalda ko'rsatib, ularning vazifalarini tushuntirishdi. Javoblar tinglangach, o'qituvchi tomonidan umumlashtirildi. Natijada quyidagi jadval hosil bo'ldi.

Slaydda ko'ringan jadval orqali har bir o'quvchi o'z javoblarining qay darajada to'g'riligini tekshirib ko'rdi. Shundan keyin guruhlariga o'quv jihozlari tarqatildi va ular bilan ishlash qoidalarini tushuntirib o'tildi. Unga ko'ra piyozi po'sti bilan 1-guruh, pomidor eti bilan 2-guruh va chigit tuklari hujayralari bilan 3-guruh ishlaydigan bo'ldi.

### 1-guruh topshirig'i.

Mikroskop o'quvchilar tomonidan quyidagicha ish holatiga keltirildi:

Mikroskop 5-7 sm. stoldan ichkariga, ko'zgusi yorug'lik tushadigan tomonga qaratib joylashtirildi. Yorug'lik yig'ilib buyum oynasidagi tuyukka tushirilib, okulyar orqali ko'rdi. Piyozi po'stidan preparat tayyorlash uchun Jamshid buyum oynasiga bir tomchi suv tomizdi. Bahodir bilan Laylo preparoval nina yordamida piyozi yuqqa po'stidan kichik bir bo'lak ajratib olib, uni buyum oynasidagi bir tomchi suv ustiga qo'yishdi va qoplag'ich oyna bilan yopishdi. Muxlisa ortiqcha suvni filtr qog'oz yordamida shimdirib oldi. Dars boshlanganidan beri mikroskop oldidan uzoqlashishni xohlamayotgan Umid preparatni mikroskopning buyum stolchasiga qo'ygach, makro va mikrovintlarni harakatlantirib tasvirni tiniqlashtirdi.

### 2-guruh topshirig'i.

Guruh mikroskopni qoidaga ko'ra ish holatiga keltirgach, pomidor etidan preparat tayyorlashga kirishdi. Bunda ham buyum oynasiga bir tomchi suv tomizildi va preparoval nina yordamida pomidor etining yuqqa po'stidan kichik bir bo'lak ajratib olindi. Uni buyum oynasidagi bir tomchi suv ustiga qo'yishda G'ulom kichik xatolikka yo'l qo'ydi. Ya'ni, pomidor etini qalinroq kesib olgani uchun qoplag'ich oynani yopishda biroz qiyinchilikka duch keldi. Ortiqcha suvni filtr qog'oz yordamida shimdirib olishga Bobur yordamlashdi. Vaqtinchalik preparatni mikroskopning buyum stolchasiga qo'yib, makro va mikrovintlarni harakatlantirib tasvir tiniqlashtirilganda, hujayralar qatlami zich tarzda ko'rindi.



olib qo'yd. Uni buyum oynasidagi bir tomchi suv ustiga qo'yishganidan keyin Shohrux qoplag'ich oyna bilan yopdi. Ortiqcha suv filtr qog'oz yordamida shimdirib olingach, vaqtinchalik preparatni mikroskopning buyum stolchasiga qo'yib, makro va mikrovintlarni harakatlantirib tasvirni tiniqlashtirishga o'qituvchi yordamlashdi.

Ushbu topshiriqlar har bir guruhda turlicha bajarildi. Jarayonda qiyналgan o'quvchilar bir-birlariga yordam berish uchun o'zaro o'rin almashishdi. Shuningdek, guruhlar bir-birlari amalga oshirgan operatsiyalardan bexabar qolmasliklari uchun guruhlararo joy almashib, hujayralar joylashuvini sinchiklab kuzatishdi.

Shundan so'ng o'qituvchi har bir guruhga vatman qog'oz tarqatdi va o'quvchilar o'z kichik doiralarda o'rgangan mahsulotlarining hujayralari joylashuvini tasvirlashdi. Chizilgan hujayralar joylashuvini bittadan guruh vakillari doskaga chiqib tushuntirib berdi. Unga ko'ra chiqarilgan xulosalar umumlashtirildi va tajribani jadvalda quyidagicha qayd qilishdi:

hujayralari qanday qismlardan iborat? Shu kabi savollarga o'quvchilar birin-ketin javob berishdi, bir-birlarining kamchiliklarini to'ldirishdi. Shu payt o'qituvchi tomonidan «Aqliy hujum» metodiga tayanilgan holda o'rta savol tashlandi: «Nima uchun pomidor hujayralari qizil bo'ladi?». Madina o'z fikrlarini isbotlash uchun pomidorning quyosh nurida o'sganligini aytsa, Mohichehra uning hujayralari qizil bo'lganligi uchun ham u shu rangda dedi. Lekin, muammoga eng yaqin yechimni Odil topdi. U pomidorda xromoplastlar borligi uchun ham u shu rangda ekanligini aytdi. O'quvchilar bilimni baholashda o'qituvchi shunday vaziyatlarni nazardan qochirmadi. Nazariy darslarda erinchoqroq bo'lgan o'quvchilar Odil, Nilufarning ushbu mashg'ulotda faollashganini e'tirof etdi. Guruhlarda ishlash bo'yicha ham har bir qatnashchi reyting asosida baholandi. Mustahkamlash paytida esa o'quvchilar hujayralarning xilma-xil bo'lishini, mahsulotlarning rangi ularning hujayralariga bog'liqligini, hujayralar shakli bir-birini takrorlamasligini bilib olishganini mamnuniyat bilan aytishdi. Uyga vazifa sifatida o'simlik hujayralari haqida qo'shimcha ma'lumotlarni adabiyotlardan topib


O'simlik nomi	Hujayra shakli	Plastidalar	Hujayra qismi
1 Pomidor	Cho'zinchoq, qirrali	Qizg'ish	Qobiq, sitoplazma, yadro, xromoplast
2 Piyozi	Yumaloq	Rangsiz	Qobiq, sitoplazma, yadro, leykoplast
3 Chigit	Tolasimon	Rangsiz	Qobiq, sitoplazma, yadro, leykoplast

O'quvchilarning egallagan bilimlari o'qituvchi tomonidan quyidagi savollar asosida mustahkamlandi: Mikroskopda ishlash qoidalarini nimalardan iborat? Vaqtinchalik preparat qanday tayyorlanadi? Piyozi po'sti, chigit tuklari, pomidor eti hujayralari qanday shakllarga ega ekan? O'simlik

kelish, rasmini chizish va ularni keyingi darsda hamkorlikda o'rganib, yanada yangi bilimlarni o'zlashtirish topshirildi.

**Mashg'ulotni Nasiba ERXONOVA kuzatdi.**

**B.RIZOQULOV olgan suratlar.**



O'qituvchi guruhlarini ishini bajarish tartibi bilan tanishtirib, laboratoriya tajribasini amalga oshirish uchun topshiriq varaqalarini guruhlariga tarqatdi. Tajribani o'tkazishdan oldin laborant Sohba Inoyatova yordamida jihozlarning sozligi, to'liqligi tekshirib olindi.

### 3-guruh topshirig'i.

Ish qurollarini sozlab olgach, chigit tuklaridan preparat tayyorlashga guruh a'zolarining barchasi birdek kirishdi. Buyum oynasiga tomizilgan bir tomchi suvga Isroil preparoval nina yordamida chigit tuklaridan kichik bir bo'lak ajratib



Конунларимиз билан кафолатлаб қўйилган ва жамиятимизда инсон омилига алоҳида аҳамият берилишини кўрсатадиган индикаторлардан бири — ишчи-ходимларнинг ижтимоий таътилла олишига бўлган ҳуқуқлари ва унинг амалга оширилиши масалаларидир.

Мамлакатимизда меҳнатга оид муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида"ги 162-сонли қарори билан 1996 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини асосида тартибга солинади. Кодекс 294 моддадан иборат.

Меҳнат кодексининг 2-моддасида "Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унвондорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига қўмаклашади" деб белгиланган.

Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадирлар. Жинси, ёши, ирки, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкый ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб, меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳеч қандай четловга ёки имтиёзлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Меҳнат кодексининг 149-моддасига кўра ходимлар куйидаги ижтимоий таътилла олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар:

- ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари;
- болаларни парваришlash таътиллари;
- ўқиш билан боғлиқ таътилла;
- ижодий таътилла.

Қайд этилган ижтимоий таътил турлари ходимга дам олиш учун эмас, балки муайян ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилиши зарурати билан боғлиқ ҳолда берилади. Улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Бошқа пайтга кўчирилиши ман қилинади. Пуллик компенсациялар билан ҳам алмаштирилмайди.

Мазкур ижтимоий таътилла ва уларнинг берилиш шартлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтаемиз.

**Ҳомиладорлик ва туғиш таътили.** Меҳнат кодексининг 233-моддасига кўра, аёлларга туққунига қадар етмиш календар кун ва туққанидан кейин эллик олти календар кун (туғиш қийин келган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилни неча кунидан фойдала-

нилганидан қатъи назар, аёлга тўлиқ берилади. Бундай таътилни берилишига тиббий муассаса томонидан белгиланган тартибда расмийлаш-

тирилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади.

**Бола парвариши таътили.** Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунча қадар парваришlash даври учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Мазкур ижтимоий таътилни бериш кафолатлари, шартлари ва тартиблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида"ги ПФ-3017-сонли Фармонининг 2-бандида; адиля вазирилик томонидан 2002 йилнинг 14 мартда 1113-сон билан рўйхатга олинган "Иш-ламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ойлук нафақа тўлиниш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом, Адлия вазирилик томонидан 2002 йилнинг 14 мартда 1113-сон билан рўйхатга олинган "Иш-лаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ҳар ойлук нафақа тўлиниш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунча қадар уни парваришlash учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Болани парваришlash учун бериладиган таътиллardan унинг отаси, буvisи, буvasи ёки болани амалда парвариш-лаётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин.

Аёл ёки кўрсатилган шахс ўз хоҳишига кўра, болани парваришlash таътили даврда тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб уйда ишлаши мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари сақланиб қолади.

Болани парваришlash таътили даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътил меҳнат стажига, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан уч йил, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Болани парваришlash таътилининг вақти, башарти жаммо шартномасида, корхонанинг бошқа локал (ички) ҳужжатига ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди.

Янги туғилган болаларни бевосита туғруқхонадан фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка

Мазкур меъёрий ҳужжатга кўра, ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятини илмий иш билан бирга мунофақиятли олиб борувчи шахслар учун номзодлик ва докторлик илмий даражасини олиш диссертацияларини, шунингдек, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар қўлёзмасини тугаллаши учун муаллифларга шарт-шароит яратиш мақсадида асосий иш жойларидаги ўртача ойлук иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда: номзодлик диссертациясини ва дарсликлар ҳамда ўқув-услубий қўлланмаларни тугаллаши учун муаллифларга — 3 ойгача;

докторлик диссертациясини тугаллаш учун — 6 ойгача

## Huquqiy savodxonlik

асосий иш жойи — корхона, ташкилот раҳбарига эса ишнинг тугалланганлигини тасдиқловчи ҳужжат топширади.

Нодавлат олий ўқув юртиларида, илмий-тадқиқот муассасаларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ижодий таътил бериш ҳамда уларнинг муддати жаммо шартномасида (агар у иш берувчи билан касбага уюшмалари кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги битимга кўра тузилмаган берилади ва ходимнинг тартибга мувофиқ ходим билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланади.

Ижодий таътилдан фойдаланганлик ходимнинг меҳнат таътилига бўлган ҳуқуқига таъсир қилмайди.

**Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътилла.** Бу таътил тури ижтимоий таътилла орасида кўрсатилмаган бўлсада, аслида у ҳам ижтимоий талабларга кўра берилди ва ходимнинг шахсий ёки оилавий муаммолари ҳал этилишига хизмат қилади.

Меҳнат кодексининг 150-моддасига кўра, ходимнинг аризага биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш иш берувчининг ҳуқуқи бўлиб, асосли сабабларга кўра бундай таътил берилиши рад этилиши ҳам мумкин.

Бироқ қуйидаги ҳолларда иш берувчи ҳар йили 14 календар кундан кўп бўлмаган муддатли иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилни ходимнинг аризага кўра бериши шарт:

1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга — ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига — ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга;

ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга — ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Хуллас, жамиятимизнинг олий шиори бўлган "ҳамма нарсини инсон учун, унинг бахт-саодати учун" деган қоида шахс ҳуқуқлари янада муштаҳамланишига, унинг жамиятдаги мавқеи яна ҳам юксалиши омилига айланганини ҳеч бир фуқаро унутмаслиги керак.

**Миродил БАРАТОВ, ТДЮ "Фуқаролик ҳуқуқи" кафедраси профессори, юридик фанлар доктори Йўлдош ТУРСУНОВ, ТДЮ "Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи" кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди**

# ИЖТИМОИЙ ТАЪТИЛЛАР

олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб, у туғилган кундан эътиборан эллик олти календар кун (икки ёки ундан ортиқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда эса етмиш календар кун) ўтгунча қадар бўлган даврда давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўлаган ҳолда таътил берилди ва уларнинг хоҳишига кўра, бола уч ёшга тўлгунча қадар болани парваришlash учун қўшимча таътил берилди.

**Ўқиш билан боғлиқ таътилла.** Ишлаб чиқаришда касбга доир таълим олаётган, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда малакасини ошираётган ёки таълим муассасаларида ўқибётган ходимларга ишнинг таълим билан бирга қўшиб олиб боришлари учун иш берувчи зарур шароитларни яратиб бериши шарт.

Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш, ўқув режасини бажаряётган ходимлар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар олиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Ижодий таътилла.** Ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятини илмий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга номзодлик ёки докторлик диссертацияларини яқунлаш, шунингдек дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларда ёзиш учун асосий иш жойида ўртача ойлук иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда ижодий таътил берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 133-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижодий таътилла бериш тартиби" ижодий таътилла ва улардан фойдаланиш қоидаларини назарда тутди.

бўлган муддатга ижодий таътил берилди.

Ижодий таътилга ҳақ тўлаш белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, шунингдек илмий кадрлар тайёрлаш учун назарда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Жаммо шартномаларида ёки иш берувчи билан касбага уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги битимга кўра, назарда тутилганга қараб иш берувчининг маблағлари ҳисобига ижодий таътил узокроқ муддатга белгиланиши мумкин.

**Ижодий таътил:**

давлат олий ўқув юртилари ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларига — ушбу муассасалар илмий кенгашининг тақдимномасига кўра директор (ректор) томонидан;

бошқа давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ходимларига — талаба бириктириб қўйилган олий ўқув юрти, илмий-тадқиқот муассасаси илмий кенгашининг тақдимномасига кўра вазирилик (идора) томонидан берилди.

Ижодий таътил бериш тўғрисидаги тавсиянома илмий ишнинг муҳимлигини, олиб борилган тадқиқотларнинг ҳажминини ва диссертацияни таътил вақтида тугаллаш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда илмий кенгашлар томонидан берилди.

Давлат олий ўқув юртилари, илмий-тадқиқот муассасалари ходимларига олий ўқув юрти, илмий-тадқиқот муассасаси илмий кенгашининг тавсияномасига кўра, дарслик ёки ўқув-услубий қўлланма ёзиши учун асосий иш жойидан ижодий таътил берилди.

Иш муаллифлар жамоаси билан ёзиладиган бўлса, ижодий таътил барча аъзолар томонидан тасдиқланган ёзма ҳолдаги аризага кўра, улардан бирига берилди.

Ижодий таътил тамом бўлгандан сўнг муаллиф олий ўқув юрти, илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашига қўлёзма ҳолидаги ишини,

# SAVDOGAR BANK

## ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!  
ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ «САВДОГАРБАНК»  
жамоаси

мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча  
миллат ва элат вакиллари, фан-таълим  
ва банк молия тизими жамоаларини,  
ўз акциядорлари ва мижозларини гўзаллик  
ва нафосат, янгилиниш айёми

**"НАВРЎЗ" умумхалқ байрами** билан муборакбод этади!

Ҳар бир оилага бахт-саодат,  
шодлик ва фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон-Германия «САВДОГАРБАНК» очиқ  
акциядорлик тижорат банки республикамиз  
аҳолисига куйидаги омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютадаги омонатлар:

Омонат номи:	Муддати:
<input checked="" type="checkbox"/> «Мустаҳкам оила»	12 ой
<input checked="" type="checkbox"/> «Коммунал тўлов»	ҳафтада 6 ой
<input checked="" type="checkbox"/> «Хазина»	6 ой
<input checked="" type="checkbox"/> «Истиқбол»	3 ой
<input checked="" type="checkbox"/> «Қафолат»	6 ой
<input checked="" type="checkbox"/> «Орзу»	12 ой

Хорижий валютадаги омонатлар:

Омонат номи:	Муддати:
<input checked="" type="checkbox"/> «Комфорт»	3 ой
<input checked="" type="checkbox"/> «Универсал»	6 ой
<input checked="" type="checkbox"/> «Элит»	12 ой

Ишончли ва мустаҳкам ҳамкорлик учун Омонатлар.  
«САВДОГАРБАНК»



## 5 йилда 100 Сунъий Йўлдош ЖўНАТИЛАДИ

Хитой Аэрокосмик илмий-техник корпорацияси самовий маконни ўзлаштириш бўйича яқин келажак учун тузилган режасини эълон қилди. Бу ҳақида Синьхуа ахборот агентлиги хабар берди.

Таъкидланишича, 2011 йили Хитойдан 19та сунъий йўлдош космосга чиқарилган. Мазкур кўрсаткич билан мамлакат 18та самовий аппаратни самога йўллаган АҚШни ортда қолдириб, иккинчи ўринга кўтарилди. Бу борадаги етакчиликти эса 36та парвозни амалга оширган Россияга тегишли.

Жорий йилда Хитойнинг 21та ракета ва умумий ҳисобда



30та сунъий йўлдошни орбитага чиқариши режалаштирилган. Эзда уч нафар астронавт томонидан бошқариладиган «Шэнжоу-9» самовий кема си парвози амалга оширилади. Аппарат қўл билан бошқариладиган тартибда «Тангун-1» орбитал модули билан бирикади. Шундан сўнг космонавтлар станцияга тажриба ўтказиш учун кўчади. Умуман олганда, Хитойнинг навбатдаги беш йил ичида 20 миссия доирасида космосга 100та ракета чиқариши кутилмоқда.

## АПЕЛЬСИННИНГ ҚИЗИЛ ТУРИ

Буюк Британиядаги Норич илмий тадқиқотчилик маркази ходимлари машҳур Сицилия апельсинларини ажойиб хусусиятларга эга қизил пигментлар билан «тўлдирувчи» генини аниқлашга муваффақ бўлишди. «Усимлик хужайраси» («Plant Cell») журналида мавзуга оид мақола берилди.

Бугун Сицилия қизил апельсинлари парҳезшунос ва соғлом ҳаёт тарафдорлари ўртасида машҳур бўлиб бормоқда. Боиси, биокимёвий тадқиқотлардан маълум бўлдики, ушбу цитрус меванинг қизил тусга киритувчи антоциан пигментлари қанд касаллиги пайтида оксидланган стрессини пасайтириб, ДНКнинг ксилород радикаллари билан зарарланиши ва юрак-қон томир касалликларини ривожланишининг олдини олади. Қолаверса, қизил апельсинлар ёғ хужайралари кўпайиши ва ривожланишига халал берган ҳолда семизликка қарши курашишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Лекин антоцианлар кераклича синтез бўлиши учун иссиқ ҳамда совуқ кун-тун алмашилиши учун мос иқлим шароити фақат Сицилияда бор. Қизил апельсинларни Япония, Эрон, Жанубий Африка, АҚШ ва Бразилияда ҳам етиштириш имкони бўлса-да, уларнинг ҳосили юқори бўлмас экан.



Буюк британиялик олимлар аниқлаган ген эса мевалардаги антоцианлар синтезини назорат қилади. Улар «Раби» («Ruby») дея номлаган ген ҳарорат пасайганда фаллашадиган мобил генетик элементлар орқали бошқарилади.

## ВАЗНСИЗЛИК ЗАРАРИ

Космик экспедицияларда космонавтнинг вазнсизлик ёки микрогравитация ҳолатида бўлиши кўриш қобилиятини сусайтириб, миёдаги ўзгаришларга олиб келади. Техас университети Тиббиёт маркази профессори Ларри Крамер раҳбарлигида ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатди, дейилди «Eurek Alert!» манбасида.

Мутахассислар 108 кундан ортиқ муддат ичида вазнсизлик ёки микрогравитация ҳолатида бўлган 27 нафар космонавтни танлаб олиб, уларнинг соғлигини магнит резонанс рафия ёрдамида текшириб кўришган. Изланиш




яқунда улар бош суюгининг ички босими ошганида кузатиладиган белгиларга ўхшаш ҳолатларни аниқлашган. Бундай босимнинг ошиши кўриш асаб толаси ва кўз соққаси ўртасидаги қисмда шиш пайдо қилади, натижада кўриш қобилияти сусаяди.

Изланишлар натижасида астронавтларнинг 33 фоизида кўриш асаб толаси атрофидаги орқа мия суюклиги билан тўлдирилган қисмининг кенгайиши, 22 фоизида — кўз соққасининг қотиб қолиши, 15 фоизида — кўриш асаб толасининг шиши ва 11 фоизида — мианинг гипофиз қисмида ўзгаришлар борлигини аниқлашган. Микрогравитация таъсирида юз берган ўзгаришлар олимларга оддий (космонавт бўлмаган) беморлар бош суюгининг ички босими ошиши сабабини аниқлашга ёрдам беради, дейишмоқда мутахассислар.

НАСА клиникаси шифокори ҳам мазкур хулоса тўғрилигига шубҳа билдирмапти. Негаки, унинг ўзи ҳам Халқаро космик станциядан қайтган бир неча космонавтнинг кўриш қобилияти сусайганини кузатган. Лекин бундай ўзгариш сабаблари ҳалигача аниқланмаган.

## МАГНИЙ ҚОН БОСИМИНИ ТУШИРАДИ

Буюк Британиядаги Хартфордшир университети олимлари магний қўшилган озуқавий қўшимчалар маълум миқдорда қон босимининг пасайишига туртки бўлиши таъкидлашмоқда.



«European Journal of Clinical Nutrition» журналида мавзуга оид мақола чоп этилди. Мутахассислар кузатувларига кўра, бугун кўхна қитъаннинг ярим аҳолиси юрак-қон томир касалликларидан азият чекади. Ушбу хасталик туфайли ўлим ҳолатларининг кузатилишига эса кўп ҳолларда қон босимининг ошиши (гипертония) сабаб бўлар экан. Гипертонияга, хусусан, чекиш, кам ҳаракатли ҳаёт тарзи, шўр таомларни кўп истеъмол қилиш, калий, кальций ва магний каби минералларни бетартиб ҳолда истеъмол қилиш сабаб бўлади.

Олимлар шу пайтгача таркибида магний бўлган махсулотларнинг қон босими таъсири борлигини тахмин қилишган. Бунинг аниқлаш учун мутахассислар 1200 нафарга яқин одам иштирок этган 22та тадқиқот натижаларини таҳлил этишган. Умумий таҳлил эса магний қон босимини тушириши мумкинлигини кўрсатди. Эътиборлиси, металл миқдори қанча кўп бўлса, таъсир самараси шунча баланд бўлган.

## МОБИЛ ТЕЛЕФОН ХАВФЛИ!

Ҳомилadorlik пайтида мунтазам равишда уяли алоқа воситасида суҳбатлашиш ҳомили миясининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, оқибатда туғилган болада ўта фаоллик синдроми кузатилиши мумкин экан. Океанортидаги Йель университети олимлари ўтказган тадқиқот натижалари шуни тасдиқлади. «Scientific Reports» нашрида мавзуга оид мақола берилди.

Мобил телефонларининг инсон соғлиги учун зарарли ёки зарарсизлиги борасидаги мунозаралар мутахассислар ўртасида давом этаётган бир пайтда америкалик олимлар уяли алоқа электр магнит тўлқинларининг хавфи бор, деган хулосага келишди.

Тадқиқотчилар ҳозирча бунинг ҳайвонларда синаб кўришган. Тажрибадан аниқландики, ҳомилadorlik пайтида онаси мунтазам равишда мобил алоқа воситаси ёнида бўлган болаларда хотира нисбатан сустроқ экан. Бунинг устига, улар бошқаларга нисбатан анча фаол бўлиб, эътиётсиз равишда ҳаракатланар экан. Бундай белгилар олимларга эътиборсизлик ва гиперфаоллик синдроми эслатган. Уларнинг таъкидлашича, агар ҳомилador аёл кўни билан мобил телефонда гаплашса, унинг туғилмақ фарзандида худди шундай касаллик ривожланиши мумкин экан. Яъни, бола эътиборини жамлай олмайди, ўта фаоллиги боис атрофдагиларни безор қилиб, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмаслиги мумкин. Мазкур ҳолатга жиддий эътибор қаратилишининг сабаби, ушбу хасталикнинг бугунги кунда кенг тарқалиб бораётганидир. Шу боис олимлар бўлажак оналарга бу турдаги воситани ўздан узоқроқ тутишни тавсия этишмоқда.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



АҚШдаги Ратгерс университети иқлим-шунослари Виржиния штати, Янги Зеландия ва Тинч океанининг шимолий қисмида жойлашган Эниветок оролидаги чўкиндиларнинг изотоп таҳлиliga таянган ҳолда ҳозирги глобал иссиқ шароитида дунё океанларининг сатҳи тахминан 20 метрга кўтарилгани мумкинлигини башорат қилишди.

Россиянинг Ростов вилояти Веселовск худудидagi Жидков сойда ҳосил бўлган юпка музлик устида қолиб кетган 17 нафар баликчи ҳамда уларнинг муз остига тушиб кетган 2 нафар шериги маҳаллий қутқарувчилар томонидан қутқариб олинди.

Ҳиндистоннинг Нью-Дехли шаҳри яқинидаги темир йўлнинг кесиб ўтиш жойида йўловчилар поезди ва автоуловнинг тўқнашуви оқибатида 15 нафар йўловчи ҳалок бўлган, яна икки нафари оғир аҳволда шифохонага келтирилган.

Халқ таълими тизимидаги муассасалар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлири ҳамда илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари диққатига!

*Ma'naviyat*  
НАШРИЁТИ

- монографиялар;
- китоблар;
- брошюралар;
- буклетлар ва турли идора бланкларини сифатли ва арзон нархларда чоп этади.

Манзилимиз:  
Ҳамза тумани,  
Тараққиёт 2-берк кўча, 2-уй.  
Телефонлар:  
289-65-66, 289-46-64 (факс).

# УСТОЗ БАХТИ — ШОГИРД БАХТИ

Минг кишилик қишлоғимизнинг тахминан 1950—1985 йиллар оралиғида турилган вақиллари асосан уч нафар бошланғич синф ўқитувчисида таълим-тарбия олиб, юқори синфга ўтганлар. Улар 15-мактаб муаллимлари — Халқ таълими аълочилари Узоқ Дониёров ва Омон Қурбонов ҳамда Узбекистон Халқ ўқитувчиси Ибодулло Боймуродов. Самарқанд вилояти Нуробод тумани Қизилқарвон қишлоғидаги учта маҳаллада истиқомат қилган бу уч мураббий гўёки уч маҳалланинг мустаҳкам устунлари бўлишган. Узоқ Дониёров ва Омон Қурбонов айна кунда ҳаёт бўлмасалар-да, уларнинг билими кўмағида оқу қорани ажратгани, ўқиш-ёзишни ўрганган авлод ўз турмушида эришган ҳар бир ютуғида бу устозларини эслайди.



Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси Ибодулло Боймуродов айна пайтада кексалик гаштини сурмоқда. Ибодулло муаллим — менинг биринчи ўқитувчим. Ҳозирги кунда турли соҳаларда фаолият юритадиган синфдошлар билан онда-сонда бўладиган учрашувларда гурунгимиз ҳол-аҳвол сўрашишдан сўнг, албатта, мактаб давридаги ҳаёт, устозларимиз, биринчи навбатда бошланғич синфдаги воқеаларни эслашдан бошланади. Кейинги пайтлари биринчи ўқитувчимиз билан ҳаммаимиздан ҳам кўпроқ учрашиб турувчи синфдошимиз бу Алишер Тўйлиев. Чўки у почтачи. Алишер нафақа тарқатишда биринчи ўқитувчимизникида бошқа хонадондагилардан кўра кўпроқ муддат қолиб кетиши, устоз билан гурунглашишини кўп айтади. Унга ҳавас қиламиз.

Устоз билан ўтган йил бўлган сўхбатимизда Ибодулло муаллим мактаб даври, муаллимлик фаолияти, республика Ўқитувчилар анкумандаги иштироклари, туман, вилоят, республика матбуотида чиққан материаллари ҳақида сўз юритиб, бир гапни айтиб қолди.

— 2 сентябрь санасини ҳар йили ортиқчи кутаман. Муваққиллик байрамидан сўнг биллилар кунини кўтиб олар эканмиз, мени бир савол қизиқтиради: бу йил қишлоғимизнинг қанча ёшлар

ри олий таълим муассасаларига ўқишга кирди? Уларнинг қанчаси давлат гранти асосида, қанчаси шартнома бўйича ўқишни бошлади? Бу ҳолатлар, гарчи нафақада бўлсам-да, мен учун доимо муҳим. Чўки бугунги ёшлар — қишлоғимизнинг эртаси. Уларнинг мактаб, коллеж, лицейларни битиргандан сўнг нима билан машғул бўлишига, асло бепарқ бўлолмайман.

Мана, бугун устоз билан бўлган сўхбатни эсларканман, у киши бизга ўргатган ва ўша пайти бошқа синфларда учрамаган воқеалар ёдимга тушди. Биз бундан йигирма олти йил муқаддам биринчи синфга борганмиз. Ушунда киш фаслида Ибодулло муаллим барча ўғил болаларга уйдан дўппи олиб келишни тайинлаган. Сабаби — дарс вақтида киши бош кийимлар шақага илинар ва ҳар бир ўғил бола ўзининг дўпписини кийиб оларди. Уйга қайтар чоғимизда дўппилар яна йиғиб олиниб, ўқитувчимизнинг шақага қўйиб қўйларди.

Бошқа синфларда учрамайдиган яна бир воқелик шу эдики, кейинчалик юқори синфларга ўтанганимизда ҳам Ибодулло муаллим баҳор пайти биз ўғил болаларнинг синфдошларимизникига хашарга боришни ташкил қиларди. Қишлоқ шартотида айна баҳорда қилинадиган иш ҳаммиса топилаган. Биз эса навбатма-навбат бир-биримизникига хашарга борардик.

Бугун устозимизнинг қўтулғу ёши арафасида бу сўзларни ёзарканман, биринчи муаллимим Ибодулло Боймуродов юртимиз муваққиллиги йилларида халқ таълими тизимига фаолият юритган ва заҳматли меҳнатини давом эттираётган 304 нафар «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» бўлган устоздан бири экани қалбимда янада илиқ хисларни уйғотди. —Демак, мен ҳам бахтли шогирдман», деган ўй инсонини янада олға чорлашга амин бўлдим.

**Шерали НИШОНОВ,**  
«Тарбия» журнали бош муҳаррири,  
Халқ таълими аълочиси

Абдуматлуб Низомовни кўпчилик тарихшунос устоз сифатида танийди. Болалиғида уни сеvimли маскани — мактаб охнарабодек ўзига тортар, кундан-кунга билим олиш истағи унда ўқитувчи бўлиш орзусини орттириб борарди. Айниқса, тарих фанига иштиёқи баландлиги боис кадрдон кишлоғи тарихи, ўтмиши аждодлари ҳақидаги



зи ф а с и г а тайинланди. Мактабда «Тарих ва ўлкашунослик» буржанини очди. Халқ орасида юриб, қадимий буюмларни йиғди. Унда 2000дан ортиқ экспонат мавжуд. Бу экспонатларни нафақат ўқувчилар, балки ота-оналар ҳам томоша қилиб кетишди. Англия, Франция, Италия, Германия, Испания, АКШ ва бир қанча ривож-

## «ТАРИХНИ БИЛГАН БУГУННИНГ ҚАДРИГА КЎПРОҚ ЕТАДИ»

қизиқарли ҳикояларни мароқ билан тинглар, баъзан дафтарига қайд қилиб қўярди. Ана шундай кичик изланишлар бора-бора йирик тадқиқотларга айланади.

А.Низомов 1974 йили Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини муваффақиятли тугатиб, танлаган соҳасининг етук мутахассисига айналди. «Тарихни билмасдан, англамасдан бугунги куннинг қадрига етиб бўлмайди», деб ҳисоблайди олим. «Айтайлик, бугун оламшумул воқеа юз берди. Эртага-чи, у тарихга айланади. Сиз эса уни бузмасдан авлодларга етказишингиз керак», дея шогирдларига ўқитиб келади. Абдуматлуб ака Ғижувон шаҳридаги 2-хунар билим юрти (ҳозирги қишлоқ ҳўжалиқ касб-хўнаар коллежи)да фаолиятини бошлагандаёқ ўқитувчилик касбининг машаққатини ҳис қилган эди.

Кейинчалик Абдуматлуб ака тумандаги 20-мактаб директори ва-

ланган давлатлардан келган сайёхларнинг ҳам дастхатлари меҳмонлар китобидан жой олган.

А.Низомовнинг таълим тизимига олиб борман меҳнатлари ҳўкуматимиз томонидан муносиб кадрланди, у 2001 йилда «Ўзбекистон Республикаси муваққиллиги 10 йил» эсдалик нишонини билан тақдирланди. А.Низомовнинг 5 нафар фарзандининг барчаси олий маълумотли, турли соҳаларда меҳнат қилишляпти. Ҳар хал устоз билан сўхбатлашганимизда, бугунги кундан шўқроналик тўғйусини қалбига жо эриб яшаётган, бугун умрини шу юрт фарзандларини илм-маърифатли қилишга бағишлаган бу инсонни илдиэлари она-юрт муҳаббатидан сув ичган мева-ли дарахга ўша уштаман. Унинг мева-валари эса халқимизнинг юзлаб, минглаб юксак салоҳиятли фарзандларидир.

**Гавҳар ХОЛМУРОДОВА,**  
журналист

## Xotira — muqaddas

Физика-математика фанлари доктори Ғайбулла Солихов номини дунё математиклари яхши билишасди.

... У ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, 1953 йили Ўрта Осие давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) физика-математика факультетига ўқишга кирди. Университетни тугатган, 1958 йили ЎзФАНнинг Математика институтига йўланма олди. Аспирантурага қабул қилинган, Россия Фанлар академияси Сибирь бўлимининг Математика институтига (ҳозирги С.Соболев номидаги математика институти) илмий сафарга юборилди. Ҳш олим у ерда академик С.Соболев раҳбарлигида тақрибий интеграллаш масалалари билан шуғулланди. Шунинг самара-

## ДУНЁ ТАН ОЛГАН ОЛИМ ЭДИ

сида «Тўрт ўлчовли фазо сфераси сиртида баъзи кубатур формулалар» деб номланган номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Истеъдод ва пухта тайёргарлик Ф.Солиховнинг тақрибий интеграллаш назариясининг алоҳида мураккаб масаласини ечиши, кўп ўлчовли сфералар учун кубатур формулалар ишлаб чиқишига имкон берди. Бу математик изланиш унинг «Кўп ўлчовли сфераларда кубатур формулалар назарияси» докторлик диссертациясига асос бўлди. Кейинчалик республика ва хориж матбуотида олти-мишдан ортиқ илмий мақоалари чоп этилди.

Устоз турли йилларда Кибернетика институтида катта илмий ходим лавозимига фаолият юритди ва «Тақрибий интеграллаш назарияси» лабораториясига бошчилик қилди. Бир вақтнинг ўзида у Тошкент давлат университетиде педагог сифатида «Ҳисоблаш математикаси» кафедрасига мудирилик қилди ҳамда кафедра доценти бўлди. Шунингдек, умрининг охиригача Тошкент давлат университети «Амалий математика ва механика» факультетиде ишлади.

Фидойи олим жамоат ишларида ҳам фаол эди. У узоқ йиллар мобайнида «ЎзФА ахборотлари», фанга оид турли илмий журнал ва тўпламларда таҳир хайъати аъзоси, Ўзбекистон Миллий энциклопедиясини математика бўлими, Олий таълим вазирлигида кибернетика ва математика бўлимлари, «Билим» жамияти бошқарув шўъбасида ишлади. Унинг раҳбарлигида кубатур формулалар назарияси бўйича халқаро коллоквиумлар ташкил қилинди. Хуллас, фидойи, ташаббускор раҳбар Ф.Солихов илмий йўли нури эканини, уни қадрлаш зарурлигини шогирдлари қалбига сингдирган билган ажойиб инсон эди. Ҳозир унинг йўлини шогирдлари муносиб давом эттирмоқда.

**Х.МУЗАФФАРОВ,**  
физика-математика фанлари доктори,  
профессор

## ВАТАНПАРВАР МУРАББИЙ

А.Зиёдуллаев «Илм ол, одам бўдасан, илм йўлингни ёритувчи нур бўлади, ҳаётингни чароғон қилади», дея унинг ўзи ҳам 12 фарзандни вояга етказган илмпарвар хонадонда ўсиб-ўлғайган.

Абдуқаҳҳор Зиёдуллаев оила шюрюга монанд аъло ўқиб, мактабни тамомлаб, 1985 йилда Қозон кимё-технология институтининг технология факультетига ўқишга кирди. Институти электроки-мёвий ишлаб чиқариш технологиясини мутахассислиги бўйича муваффақиятли тугатди.

Ўз умрини фан ва юрт тараққиёти йўлида чинакамита сарф этиш, фаннинг энг нозик нуқталарига сабот билан кириб бора олиш ҳақиқий илм фидойисининг энг катта ютуғидир. Қаҳраонимиз ҳам ўқиб-ўрганиш, ёш авлодга ўргатиш мобайнида илм фидойиси, деган номга муносиб бўлишга ҳаракат қилди.

У ҳали талабалик давридаёқ ўз соҳасининг сирасорларини чуқур ўрганишга астойдил интилиди. 1992 йил «Электромим» мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади.

Кейинчалик А.Зиёдуллаев ватанга хизмат қилишнинг чинакам намунаси бўлган ҳарбий соҳада ишлашни, ҳарбий либос кийишни олдига мақсад қилиб қўйди ва бунга эришди. 1995 йилдан ҳозирги кунга қадар Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг ҳарбий кафедрасида фаолият юритмоқда.

Подполковник А.Зиёдуллаев ўз маърузалари ва амалий машғулотларда ёшларнинг ҳарбий ватанпарвар бўлиб етишишларида зарур бўладиган билим, кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

**Чарос ХАМИДОВА**

## Ta'lim fidoyilari

Арзи Пазиллов меҳнат фаолиятини олий таълим билан боғлаган. Ҳозирда олим Ажиниез номидаги Нукус давлат педагогика институти ўқув-методик бўлими бошлиғи лавозимига ишлаб келмоқда.

з а р б масалаларига бағишланган мақоаларини илм аҳлига, талабаларга тақдим этди. Шунингдек, ўқитувчи ва талабалар учун илк бор қорақалпоқ тилида нашр этилган «Педаго-

гаттан Президент стипендианти Мавлуда Собированинг бугунги кунда устози билан биргаликда талабаларга билим сирларини ўргатиб келаётгани уни меҳнат қилишга, яшашга рағбатланти-



## ИБРАТЛИ УМР, БОЙ ИЛМ СОҲИБИ

А.Пазиллов «Талаба амалиётчилар учун методик қўланма» (2009), «Тарбия ҳақида ўйлар» (2009), «Педагогика назарияси ва тарихи фанидан тестлар тўплами» (2011) каби илмий-оммабоп китоблари, педагогика фанининг дол-

рувчи куч бўлса, ажаб эмас. Серғайрат, меҳнатсевар устоз А.Пазилловнинг ҳалол меҳнатлари, республикамиз илм-фанини ривожлантириш ва ёшлар тарбияси борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муно-

сиб баҳолаиб, «Шўҳрат» медали ва «Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонини билан тақдирланди.

**Илья ДИЛЬМАНОВ,**  
Ажиниез номидаги НДПИ доценти,  
филология фанлари номзоди

# МАҚСАД — АВВАЛГИ НАТИЖАЛАРНИ ЯХШИЛАШ

Хабарингиз бор, «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақалари Гулистон шаҳрида ўтказилган. Ушунда ушбу йirik спорт тадбири баҳонасида Сирдарё вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан сирдарёлик болалар учун 4-ТИП спорт мажмуаси янгидан қурилди. «Алпомиш» спорт маркази, 20 минг ўринли «Ешлик» марказий стадиони тўлиқ реконструкция қилинди. Бундан ташқари, 1-ТИП болалар спорт мажмуаси ҳам тўлиқ фойдаланишга топширилди.

Бугун ана шу мухташам спорт объектларида минглаб ўғил-қизлар бир неча спорт турлари

билан шуғулланиб саломатлигини мустаҳкамламоқда, турли мусобақаларда қатнашиб, ғолиб ва совриндорлар қаторидан ўрин олмақда. Бунинг яққол тасдиғини умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика босқичида яшироқ этиш истагидаги ёшларнинг тобора жиддий рақобатга киришаётганидан ҳам билиш мумкин.

Навоий вилоятида бўлиб ўтадиган «Умид ниҳоллари — 2012» спорт

мусобақасининг 3-босқичи Сирдарёда ҳам кўтаринчилик билан ўтказилмоқда. Унда туман(шаҳар) босқичида зафар кучган энг кучли жамоаларнинг 1452 нафар вакили иштирок этапти. Эътиборли шундаки, спортчи ўқувчиларнинг 616 нафарини қизлар ташкил этади.

Баҳорги таътил кунларида спорт мусобақаларининг 8—9-синф ўқувчилари ўртасида вилоят босқичи баҳслари ўтказилиб, ғолиблар аниқланади. Вилоят терма жамоасини шакллантиришда ана шу ғолиб ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратилади. Мураббийларнинг айтишича, бу йил сирдарёликлар белбоғли кураш, шахмат,



футбол, сузиш, кўл тўпи бўйича юқори ўринларни кўзламоқда.

Сирдарёлик ўқувчи-спортчиларнинг асосий мақсади 2009 йилги беллашувларда кўлга киритилган ютуқларни янада яхшилаб, фахрли ўринларни эгаллашдир.

**Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,**  
«Ma'rifat» мухбири  
Сирдарё вилояти



## «ИККИГА БЎЛИНГАН» ГАЛАБА

«Мастерс» туркумига кирувчи «Индиан-Уэллс» турнирининг жуфтлик ўртасидаги финал учрашувларида испаниялик теннисчилар Рафаэль Надаль ҳамда Марк Лопес америкалик рақибли Жон Изнер ва Сам Куэрри устидан 6:2, 7:6(3) ҳисобида галаба қозонди.



Мурасосиз тарзда ўтган ҳал қилувчи матч мухлисларнинг 1 соати 20 дақиқалик вақтини «ўйрлади». Дунёнинг энг кучли теннисчилардан бири саналувчи Надаль учун бу фаолияти давомида кўлга киритган жуфтлик баҳсларидаги саккизинчи соврин ҳисобланади. Галабанинг тенг ярмига эгаллик қилувчи ватандоши Лопес учун эса бу ютуқ олтинчи зафардир.

Шунингдек, турнирнинг аёллар ўртасидаги яққалик баҳслари финалига йўл олган белоруслик Виктория Азаренко россиялик рақиби Мария Шарापовани 6:2, 6:3 ҳисобида енгиб, мусобақанинг бош совринига лойиқ эканлигини исботлади.

## ЧЕМПИОН — ИККИНЧИ ЎРИНДА

Австралиянинг Мелбурн шаҳри мезбонлик қилаётган нуфузли «Формула-1» Гран-при мусобақасининг дастлабки босқичида сайёраимизнинг энг кўзга кўринган пойгачилари ўзаро мусобақалашди.

Шиддатли пойгалав чоғида мухлислар етакчи спортчиларнинг галабага бўлган юксак иштиёқи шоҳиди бўлишти. Бирок «Формула-1» пойгачиларида маррани биринчи бўлиб кесиб ўтган иштирокчи



ғолиб бўлди. «Макларен» жамоаси пойгачиси Жонсон Баттон буни амалда удрлади.

«Ред Булл» жамоаси вакили, амалдаги жаҳон чемпиони Себастьян Феттель эса манзилга иккинчи бўлиб етиб келди. Учинчи ўринни Баттоннинг жамоадoshi Льюис Хэмилтон эгаллади.

## КИШКИ СПОРТ «ТАНАФУС»ДА

Киш фасли поёнига етгач кишки спорт турлари бўйича мусобақалар ҳам аста-секин «танафус»га чиқмоқда. Словенияда ўтказилган трамплиндан чангида сакраш бўйича жаҳон кубогининг сўнгги 19-босқичи ҳам ана шундай яқуний беллашувлар сирасига кирди.

Мусобақада австриялик Мартин Кох жами 242,5 балл жамғариб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринга швейцариялик Симон Амман (225,6), учинчи ўринга эса словениялик Роберт Крайнец (223,8) муносиб эканини исботлади.



Умумий ҳисобда норвегиялик Андреас Бардаль (1325 балл) биринчи ўринда. Ундан кейинги ўринларни австриялик спортчилар Грегор Шлиренцауэр (1267) ҳамда Андреас Кофлер (1203) эгаллаб турибди.

## «БИЛЛУР ГЛОБУС» СОВРИНОРИ

Австралиянинг Шладминг шаҳрида слалом бўйича ўтказилган жаҳон кубогининг финал босқичида швед чангичиси Андре Мюрер «Кичик биллур глобус» совринини кўлга киритди.

Мусобақанинг ҳал қилувчи босқичида Андре 644 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Ундан кейинги ўринда хорват спортчиси Ивиц Костелин (610 очко) турибди.

Умумий ҳисобда мусобақа иштирокчилари орасида энг яхши натижа кўрсатган Австрия вакили Марсель Хиршер яққалик баҳсларида учинчи ўрин билан кифояланди.

Илк бор 2004 йили жаҳон чемпиони номига сазовор бўлган Мюрер биринчи марта «Кичик биллур глобус» совринига эга бўлди. 29 ёшли спортчининг бу вақтга қадар эришган энг юқори натижаси ўтган мавсумда кўлга киритган бронза медалга эди, холос.

**Ш.НАРЗУЛЛАЕВА** тайёрлади.

## ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» спорт мажмуасида «Мустаҳкам оила йили»га бағишланган аъъанавий «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» шиори остидаги оилавий мусобақанинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Маъзур беллашувларни ўтказишдан кўзланган мақсад «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, оилалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлашдан иборат.

Туман босқичида ғолиб бўлган 10та оила спортчилари спортнинг етти тури бўйича ўзаро куч синашдилар. Яқунда

уйчилик Абдураимовлар оиласи ғолиб бўлди. Янгиқўрғон ва норинлик спортчи оилалар мос равишда иккинчи ҳамда учинчи ўринларни бўлишиб олишти.

Шунингдек, «Энг ёш иштирокчи», «Энг фаол иштирокчи», «Энг қаққон иштирокчи» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Хайрулло АБДУРАХМОНОВ,**  
«Ma'rifat» мухбири  
Наманган вилояти

Самарқанд шаҳрида пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича 1994 йил ва ундан кичик ёшдаги ўсмирлар ҳамда қизлар ўртасида Ўзбекистон кубоги баҳслари ўтказилди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан 80 нафарга яқин спортчи ғолиблик учун мусобақага киришди. Унда вилоятимиз шарафини Самарқанд шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш

## МЕРГАНЛАР МУСОБАҚАСИ

бўлими тасарруфидаги 5-маҳсус болалар ва ўсмирлар Олимпия заҳиралари спорт мактаби ўқувчилари муносиб ҳимоя қилиб ғолиб ва совриндорлар қаторидан жўт эгаллашди.

Тўрт кун давом этган қизикарли мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи, Андижон вилояти жамоаси иккинчи ва Самарқанд вилояти жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа ғолиб ва совриндорларига ташкилотчилар томонидан диплом, медаллар ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Мамажон АХМЕДОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

# ОРЗУ — БУЮК ИШЛАРГА АСОС

Биламизки, спорт руҳий ва жисмоний баркамоллик асоси, мазмуни ҳаёт гаровидир. Мусобақаларда ғолиб бўлиш учун ўз вақтида қатъий қарорларни қабул қилиш ва қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиш талаб этилади. Ёшларимизни спортга жалб қилиш орқали биз уларнинг порлоқ келажagini таъминлаган, тўғри йўлни танлашига ёрдамлашган бўламиз. Шу нуқтаи назардан, Навоий вилоятининг Нурота туманида амалга оширилаётган ишлар эътирофга сазовор. Ўз иқтидори ва ҳаракати билан катта натижаларни кўлга киритаётган ўғил-қизлар бошқаларга ҳам ибрат бўлаётгани, айниқса, қувончлидир. Шундай иқтидорли ёшлардан бири 42-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Шаҳзод Мухаммадовдир.

Шаҳзод ёшлигидан дарсларда фаол қатнашиш билан бирга спорт билан мунтазам шуғулланиб, жисмоний тарбия ўқитувчисининг кўрсатмалари асосида спорт машқларини мукамал бажаргани унинг келажакдаги ютуқлари учун асос бўлди. Баланд чўққиларни забт этиш мақсадида у ўз устида тинимсиз

ишлаб, дарсдан ташқари вақтлари туманда ташкил этилган спорт тўғарагига қатнашди. Устози Ҳабибулло Салоҳидиновдан курашнинг комбат-айкидо тури бўйича сабоқ олди, спорт сирларини кунт билан ўрганди. Тинимсиз машқлар, табиийки, ижобий натижаларни бера бошлади. Шаҳзод дастлаб туман ва вило-

ят миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, ўз вазн тоифаси бўйича ғолиблик шохсупасини забт этди. Ўзинга нисбатан ишончи ортақча, катта мусобақаларда қатнашди.

Уч йилдан буюн Шаҳзод Мухаммадов спортнинг комбат-айкидо тури бўйича Андижон, Самарқанд, Бухоро, Навоий шаҳарларида ўтказилаётган Ўзбекистон очик чемпионатларида иштирок этиб, 5та олтин ва 1та кумуш медаль соҳибига айланди. Аммо эришилган натижалар билан қаноатланмас спортчиларга хос эмас. Келажакда Шаҳзод халқаро миқёсидаги катта



мусобақаларда иштирок этиб, улкан галабалар ва медаллар шодаси билан ўз юрти шашини ҳимоя қилиш ниятида.

**Саломат ТўРАКУЛОВА,**  
Нурота шаҳридаги  
42-умумтаълим  
мактаби ўқитувчиси

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI**  
**“O'QUV TA'LIM-TA'MINOT” davlat unitar korxonasi**  
**“Наврўз” умумхалқ байрами билан барча**  
**юртдошларимизни муборакбод этамиз!**

Мамлакатимиз фан ва таълим тизимида хизмат қилаётган азиз устоз ва мураббийлар! Барчангизга баҳорий хушкайфият, тинчлик-хотиржамлик, ёшларимизни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаб, Ватанга муносиб ворислар қилиб вояга етказишдаги сермашаққат меҳнатларингизда улкан зафарлар тилаймиз!



**Ma'rifat**

**TA'SIS ETUVCHILAR:**

*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.*

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, “Учитель Узбекистана”), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, “Учитель Узбекистана”), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. Ғ-318.  
Tiraji 56133.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA,  
Lilya BINASHEVA.  
Navbatchi muharrir:  
G'olib BAHROMOV.  
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎЗА акими — 21.00  
Tophirildi — 21.00